



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовдан Ўзбекистонда Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилингани муносабати билан миннатдорлик мактуби келди.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 февраль куни ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Тило Клинер билан учрашув ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Музаффар Мад раҳимов Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) президенти Серкан Кайалар билан учрашди.



Марказий Осиё халқаро институтида Германиянинг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси доктор Тило Клинер билан учрашув бўлиб ўтди.



Шу кунларда Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация Польша Республикаси пойтахти Варшава шаҳрида бўлиб турибди. Дастлаб делегация вакиллари ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ўзбек-поляк иқтисодий форумида иштирок этди.



Қатарнинг Доха шаҳрида «Ўзбекистон маданияти, хунармандчилиги ва туризм кунлари» бўлиб ўтмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси, Қатар, Озарбайжон маданият вазирилари, Қатар ҳукумати вакиллари, маҳаллий аҳоли ҳамда бу ердаги ўзбек диаспораси вакиллари қатнашди.

Yurt taraqqiyoti yo' lida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

«Ижтимоий давлат» Ғоясини ўзида муҳассамлаштирган дастур

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2024 йил 21 февраль куни «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур дастурда мамлакатимиздаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа жабҳалардаги долзарб масалалар ўз аксини топган.



МАКТАБЛАРДА ЖАНЖАЛЛАР Кўпайиб кетмаяптими?



5-саҳифада ўқинг

«ЯШАСИН ДУНЁДАГИ ЭНГ ОДИЛ СУД»



ёхуд тергов органларининг қимматга тушаётган хатолари

7-саҳифада ўқинг

МАРТ ОЙИДА НЕЧА КУН ДАМ ОЛАМИЗ?

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчиришга оид фармонига мувофиқ, иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар учун 22 март – жума куни ва олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 23 март – шанба – қўшимча дам олиш кунлари этиб белгиланган.

8 март – жума, 9 ва 10 март – шанба ва якшанба кунлари дам олиш куни. 21 март пайшанба – Наврўз байрами. Шу муносабат билан юртдошларимиз кетма-кет тўрт кун дам олади: 21, 22, 23 ва 24 март.

Шундай қилиб, якшанба кунларини ҳисобга олган ҳолда ҳафтасига 5 кун ишлайдиган Ўзбекистон фуқаролари 13 кун дам олади.



КўККА УЧСИН сен айтган БАЁТ



8-саҳифада ўқинг

23 февралда Тошкент ҳавонинг ифлосланиш даражаси бўйича дунёнинг йирик шаҳарлари орасида 3-ўринни эгаллаган. IQAir порталига кўра, соат 7:30 атрофида Тошкент ҳавосида майда ПМ2,5 дисперс зарраларининг концентрацияси 172 мкг/м3 ни ташкил этган — бу «зарarli» таснифдаги кўрсаткич ҳисобланади.





Ўзбекистон касаб уюмлари Федерацияси қошида қуну тун ишлайдиган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» Call марказига юртимиз хотин-қизларидан мурожаатлар келиши давом этмоқда.

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида яшовчи Сожида Хайдарова икки фарзандни ёлғиз ўзи тарбиялаб келади, оиласидан ажрашган. «Аёллар дафтари»га киритилган Сожида боласининг алимент пулини ҳам 6 ойдан бери ололмайдди. Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилса-да, алимент тўлови ундириб берилмаган. У ушбу пулларнинг ундирилишини сўраб «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Галлаорол туманлараро судининг қарорига кўра, С.Хайдарова ўтган йиллар давомида алиментларни мунтазам олиб келган. Фақат 2023 йилнинг биринчи декабрь ҳолатига кўра 909150 сўм алимент пуллари ундирилмаган экан.

«Ишонч телефони»га мурожаатидан сўнг Сожиданинг собиқ эридан 909150 сўм алимент тўлиқ ундирилди.

Яна бир ариза Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида истиқомат қилувчи Гавҳар Собировадан келган. Гавҳар яшаётган манзилга Бектемир тумани газ таъминоти бўлимида асосий равишда 3 миллион сўм қарздорлик хати келган. Ўтган йиллар ичида ушбу хонадонда ҳеч қандай яшамаган бўлса-да, бундай қарздорликнинг юзага келиши Гавҳарни ташвишга солди. Тегишли ташкилотларга қилган шикоят эътиборсиз қолдирилгандан кейин Г.Собирова Call марказига чиқиб, вазиятни тушунтирди.

Call маркази ходимларининг аралашуви билан вазият ўнганди. «Худудга Пойтахт» ГТФ директори Т. Грабовичдан қуйидаги жавоб хати келди: «...1100501055 хисобрақамидаги қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ортиқча ҳисобланган 23129 м³ газ сарфи олиб ташланганини маълум қилдим».

Тошкент вилоятининг Пискент тумани «Бирлик» МФЙга қарашли Бирлик кўчасида оқова суви қувури ёрилиб, ердан сув сизиб чиқаётганлиги. Шу кўчада яшовчи Феруза Тўйчиева бундан оғох бўлиб, МФЙ кенгашига, Пискент тумани ҳокимиятига ва «Ўзсувтаъминоти»нинг 1255 рақамли «Ишонч телефони»га хабар қилишига қарамай, масала ижобий ҳал бўлмади.

Феруза 1211 Call марказига сим қоқди. Орадан кўп вақт ўтмай, ушбу ҳудудда юзага келган оқова сув қувуридаги носозлик туман авария тиклаш гуруҳи томонидан бартараф этилди. Қизиқ, туманининг қатор ташкилот мутасаддилари 1211 «Ишонч телефони»нинг «турткисини» кутиб, ишни пайсалга солиб ўтиришида қандай маъно бор экан?!

Навбатдаги мурожаат Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида яшовчи Феруза Норқобиловадан келди. Феруза оилавий шариити туфайли «Темир дафтар»га киритилган. Турмуш ўртоғи II гуруҳ ногирони. Бунинг устига, фарзанди ҳам туғма ногирон. Эри ва фарзанди учун ижтимоий ёрдам олиб келади. Феруза эрининг доволанишига зарур дори-дармонларга маблағи етмаётгани учун мурожаат қилган экан.

Ўтказилган ўрганишлардан маълум бўлишича, бу оилга ҳокимият томонидан уч нодан иборат уч сотихли участка қуриб берилган. Вақтида зарур қурилиш материаллари билан ҳам таъминлаган. Шундай бўлса-да, маҳаллий мутасаддилар Ферузанинг бугунги кундаги аҳоли, ҳомилдорлигини инобатга олиб, ўрнатилган тартибда моддий ёрдам ажратишни қўзғалмади.

Шу тариқа 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»нинг аралашуви билан халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий қийналган қатлами қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюмлари Сирдарё вилояти ҳудудий кенгашининг навбатдан ташқари III конференцияси бўлиб ўтди.

Тармоқ корхона ва ташкилотлари бошланғич касаб уюшма кўмитаси раислари иштирок этган тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Абдуллажон Эгамназаров бошқа ишга ўтаётгани сабабли эгаллаб турган вазифасидан озод этиш ва янги раисни сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Тармоқ касаб уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Муҳамедханов Сирдарё ҳудудий кенгаши фаолияти тўғрисида, эришилган ютуқлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

– Тармоқ ходимлари касаб уюшмаси Сирдарё вилояти кенгашининг конференцияси, Республика кенгаши Раёсати қарорларини ва тизимда амалда бўлган бошқа тартиб, меъёрларга риоя этиш, мулкдан самарали фойдаланишни назорат қилиш, тафтиш қилиш билан боғлиқ ишлар қониқарли даражада бажарилишини инобатга олиши ҳамда сайланадиган раис ҳам ишни келгусида жадаллик билан олиб бориши керак бўлади, – деди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг

ўринбосари Баҳодир Ҳамиджонов.

Мажлис иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Унга кўра, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раислигига Шохрух Шамсидинов сайланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



Йиғилиш



Тошкент вилояти

Яқинда таълим соҳасида меҳнат қилаётган 60 нафар педагог ходим Федерация ҳомийлигида Хоразм вилоятининг Хива ва Урганч шаҳарларига боришди. Саёҳат юқори даражада ташкил этилди.

Ички туризм

ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ТАШАККУР!

Поездда бориб келишдаги шароит, Урганчда бизни мартабали меҳмонлардек кутиб олишгани, Федерация тасарруфидидаги «Хоразм палас» меҳмонхонасида кўрсатилган юқори даражадаги хизматлар, саёҳат давомида автобусда ҳам гид хизматининг йўлга қўйилгани, барча-барчаси қалбимизни сурурга тўлдирди.

Хивадаги Ичан қалъани айланиб юрар эканмиз, юртимизда минг йиллар илгари ҳам илм-фан, хунармандчилик, санъат ва маданият тараққий этганини кўрдик. Қалта минорга боқиб, ўша даврлар хунармандлари маҳоратига тан бердик. Масжидлар, мадрасалар тарихи билан танишдик. Асори-атиқаларни ҳайрат билан томоша қилдик.

Бундан ташқари, Урганч шаҳрида ҳавас қилгулик бунёдкорликларни кўрдик. Охунбобо масжидини зиёрат қилдик. Урганч туманидаги «Улли ҳовли» мажмуаси билан танишиб, ўзбек ва туркман халқлари дўстлигига дунё ҳавас қилса арзишини хис қилдик.

Автобуста манзилларга қандай етиб борганимизни сезмай қолардик. Бонси йўлбошловчи бизга юртимиз тарихи ҳақида бир-бирдан қизиқарли ҳикояларни сўзлаб борарди. Урганчдаги Жалолiddин Мангубердиннинг маҳобатли ҳайкали ҳам хотирамизга бир умр муҳрланди. Юрт озодлиги учун курашган мард ўғлонга бўлган ҳурматимиз, меҳримиз янада ошди. Хоразмшоҳлар ҳақида янги маълумотларга эга бўлдик. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг ватанпарварлигини руҳландик.

Умуман, саёҳат ҳар томонлама таассуротларга бой бўлди. Бизга мана шундай имкониятларни бахш этган ташкилотчилардан беҳад миннатдоримиз.

Гулнора ЎРОЗМЕТОВА,
Бука туманидаги
3-умумтаълим
мактаби инглиз тили
ўқитувачиси



Қорақалпоғистон Республикаси

Хотин-қизларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига кўмаклашиш, уларнинг ихтирочилик ва инноваторлик қобилиятларини аниқлаш ҳамда хотин-қизлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида «Ўзкимёсанот» АЖ ҳамда Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида тармоқ тизимидаги корхоналарда «Энг фаол инноватор аёл» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

ИННОВАТОР АЁЛЛАР

Тизимдаги «Қўнғирот сода заводи» МЧЖда ҳам «Энг фаол инноватор аёл» кўрик-танлови юқори савияда ташкил этилди. Танлов давомида ҳар бир иштирокчининг қилган тақдироти ҳакамлар ҳайъати томонидан синчковлик билан кузатилиб, савол-жавоблар орқали баҳолаб борилди.

Тақдирлаш маросимида сўзга чиққан масъуллар тадқиқотчилар томонидан тақлиф этилган лойиҳалар долзарблиги, муҳимлиги ва бугунги ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши билан эътиборга молик эканини айтиб ўтишди. Шунинг-

дек, тадқиқотчи аёллар сафи янада кенгайиб бориши учун зарур имкониятларни яратиб бериш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулоасига кўра, 1-ўринни Гулсанем Широнова, 2-ўринни Лаура Тажимуротова ва 3-ўринни Дилноза Ибрагимова эгалладилар.

Ғолиблар корхона маъмурияти ва касаб уюшма кўмитаси томонидан пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Тошкент шаҳри

Ҳисобот

ЖАМОАДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби касаб уюшмаси раиси Нигора Мўминова доим ҳамкасблари ҳаёти ва фаолиятига зийрак нигоҳ билан қарашга ҳаракат қилади. Кимнинг ойлави аҳоли, кимнинг саломатлигида муаммо бор ҳаммасидан хабардор бўлади.

Шунинг учун яқинда жамоада бўлиб ўтган 2022-2024 йиллар учун мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижросига бағишланган йиғилишда унинг фаолияти бир овоздан эътироф этилди.

Йиғилиш аввалида «Баркамол авлод» болалар мактаби раҳбарияти ва касаб уюшма кўмитаси ўртасида 2022-2024 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2023 йил якунлари юзасидан бажарилган ишларнинг ҳисоботи тингланди.

Шу билан бирга, 2024-2026 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига тааллуқли қонунлар, иш вақти ва дам олиш вақти, аёллар, ёшларга бериладиган имтиёз ҳамда ка-

лар билан таништирди.

Муҳокама якунида жамоа шартномасининг ижроси қониқарли деб топилди ва 2024-2026 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Жиззах вилояти ҳокимлигида Транспорт йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан тармоқ ташкилотлари иш берувчилари иштирокида «Касаб уюшмасига аъзо бўлиш ва унинг афзалликлари» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Анжуман

АЪЗОЛАР СОНИ КўПАЯДИМИ?

Анжуманда Транспорт йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Муҳамедханов касаб уюшмаси томонидан аъзоликка қабул қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, аъзолар учун қулайликлар борасида ўз фикр мулоҳазаларини айтиб ўтди.

Шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

– Бугун айрим қурилиш ташкилотларида ходимлар билан меҳнат муносабатлари тўғри йўлга қўйилмай, ишчилар билан меҳнат шартномалари тузилмасдан ёки фақат бир нафар бригадир билан тузилиб, бригада аъзолари билан тузилмаётгани ҳеч қандай сир эмас, – деди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Икром Жабборов. – Афсуски, бундай ҳолатлар қачонки қурилиш ташкилотларида бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарар тўловларини тўлаш керак бўлганда, тан жароҳати олган ходимга бир йўла тўланиши лозим бўлган 1 йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни амалга оширишда, меҳнат фаолиятини йўқотиш даражаси ВТЭК томонидан белгилаб берилгандагина юзага чиқапти.

Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса содир бўлганда эса вафот этган ходимнинг 6 йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир марталик нафақа тўлаш, шунингдек, унинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига белгиланган тартибдаги тўловларни тўлашда тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Бундай низоли ҳол иш берувчилар 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» тўғрисида»ги қонундан беҳабар ёки унга амал қилинмаганини кўрсатади.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги корхона учун молиявий йўқотишларга олиб келади. Бинобарин, иш берувчиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билиб олиши нафақат меҳнат муносабатларидаги тушунмовчиликларнинг олдини олади, балки корхонани молиявий қийинчиликлар гирдобига тушиб қолишдан ҳам асрайди.

Зулпон САФАРОВ,
Транспорт йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Жиззах вилояти ҳудудий кенгаши раиси



ХИЗМАТ САФАРИ ПУЛЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Қонунчиликка кўра, ходимни хизмат сафарига юборишни расмийлаштиришнинг ўзига яраша талаб ва қондалари бор. Шунга асосан, хизмат сафари харажатлари қоплаб берилди.

Бироқ бунинг акси бўлса-чи? Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан айнан шу каби ҳолат, яъни фуқаролар Юнус Ахроркулов ва Бегзод Хусановнинг иш берувчи томонидан хизмат сафари пули тўланмаганидан норози бўлиб, қилган муурожаати ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, муурожаатчилар Ю.Ахроркулов ва Б.Хусанов Жиззах шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия факультетининг сифатида фаолият олиб бораётган. Улар иш берувчининг 2023 йил 27 мартдаги тегишли буйруғига кўра, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 04-04/3-1421-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 1 апрелдан 30 апрелгача малака ошириб қайтиши. Лекин орадан шунча вақт ўтса-да, иш берувчи томонидан хизмат сафари пули тўланмагани Ю.Ахроркулов ва Б.Хусановнинг шикоят аризаси ёзишига сабаб бўлди.

2023 йил 18 октябрда вилоят кенгаши томонидан иш берувчига қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилишига қарамай, вазият ўзгаришсиз қолди. Натيجида низо суд тартибида ҳал қилиниш даражасига етиб, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд ишлари кўриш давомида 2023 йилда Жиззах шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 5 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиларининг Тошкент жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида малака оширилгани, бироқ уларнинг ҳеч бирига хизмат сафари харажатлари тўлаб берилмаганини тасдиқлади.

Гувоҳлар тингланги, далиллар келтирилгач, Ю.Ахроркулов ва Б.Хусанов фойдасига 12 854 000 сўм хизмат сафари ва маънавий зарар пуллари ундирилди.

Сардор МҮМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Жиззах вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Сурхондарё
вилояти

НОҚОНУНИЙ БҮЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Бойсун туманидаги «Тузбозор» маҳалласида яшовчи Дилора Қосимова кенгаши иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, ўз лавозимига ишга тиклашга ёрдам беришни сўраб муурожаат қилди.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Д.Қосимова 2012 йилдан бошлаб тумандаги 3-дават мактабгача таълим ташкилотига турли вазифаларда ишлаб келган. 2021 йил 1 декабрдан бошлаб аризасига асосан ушбу боғчада ёрдамчи ошпаз вазифасидан хўжалик мудури вазифасига ишга ўтказилган.

Д.Қосимова 2023 йил 6 июнда иш берувчининг оғохлантириб, меҳнат шартномасини, ўзи ихтиёрига кўра, бекор қилишни сўраган. Иш берувчи ходимнинг аризасини инобатга олиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилган. Мазкур буйруққа Меҳнат кодексининг 160-моддаси 1-қисми асос қилинган. Аммо иш берувчи мазкур меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор ҳақ-тоғлиқларга йўл қўйган. Жумладан, МҚнинг 160-моддасига «Ходим ноумайян муддатта тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини 14 календарь кун олдин бу ҳақда иш берувчини ёзма шаклда оғохлантирган ҳолда бекор қилишга ҳақли... Ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра меҳнат шартномаси оғохлантириш муддати тугашига қадар бекор қилиниши мумкин. Шу билан бирга меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги ариза у ўз ишини давом эттириши мумкин эмаслиги билан боғлиқ бўлган ҳолларда иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилаётган муддатда бекор қилиши керак...» деб кўрсатилган. МҚнинг 170-моддаси 2-қисмида эса «Охириги иш қуни меҳнат шартномаси бекор қилинган кундир» деб кўрсатилган.

Иш берувчи Д.Қосимова билан тузилган меҳнат шартномасини охириги иш қуни, яъни 2023 йил 6 июнь куни бекор қилмасдан ва буйруқни расмийлаштирмасдан, аризанинг муддати тугагандан сўнг, яъни ариза ўз қучини йўқотгандан сўнг бекор қилиб, МҚнинг 160-, 170-моддалари талабларини бузган.

Иш берувчининг Дилора Қосимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 2023 йил 7 июндаги тегишли буйруғини бекор қилиш ва ходимни 2023 йил 6 июндан бошлаб ўз вазифасига ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб бериш ҳақида иш берувчига кўрсатма киритилди.

Кўрсатма қаноатлантирилиб, Д.Қосимова ўз вазифасига ишга тикланди ва унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақлари тўлаб берилди.

Дилшопа МУРОТОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Сурхондарё вилояти
кенгаши референти

Тошкент
вилояти

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши таркибида 86 та ташкилот, 65 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоси рўйхатга олинган. Ушбу тармоқнинг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори 2023 йили судларга 25 та даъво аризаси киритиб, тизимдаги 700 нафарга яқин ишчи-ҳодимнинг ҳуқуқини тиклаган. Ундириб берилган маблағлар эса 2 млрд. 240 млн. 369 минг сўмни ташкил этган. «Ishonch» мухбири ходимлар манфаатини тиклаш жараёни хусусида батафсил маълумот олиш мақсадида соғлиқни сақлаш тармоғи меҳнат ҳуқуқ ҳамда меҳнат техник инспектори билан суҳбатлашди.



Муҳаммаджон РҮЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг
Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори:

– Ташкилотлардаги аксарият иш берувчилар, ходимлар бўлими бошлиқлари ҳамда ҳисобчилар меҳнат қонунчилигида белгиланган нормалардан тўлиқ хабардор эмас. Уларнинг меҳнат қонунчилигини яхши билмаслиги боис тизимда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилапти.

Тиббиёт соҳасида таътил кунлари, рабатлантириш ва ойлик маошга устама тўлашнинг бошқа соҳалардан фарқли томонлари бор. Мисол учун, зарарли омишлар билан ишлайдиган ходимлар учун жамоа шартномасига асосан, 6 кундан 12 кунгача қўшимча таътил берилиши белгилаб қўйилган. Яъни техник ходимларга 6 кун, ўрта маълумотли ва асосий ходимларга 9 кун ҳамда зарарли омишлар билан ишлайдиган ходимларга 12 кун қўшимча таътил берилиши керак. Зарарли омишлар билан ишловчи ходимларга иш ўрни аттестацияси бўйича яна қўшимча таътил белгиланган. Иш берувчи кўпинча иш ўрни аттестациясини ўтказмай туриб, меҳнат таътилига ўша кунларни қўймайди.

Яъни Меҳнат кодексининг 221-моддасида ходимнинг ишлаган ҳар 5 йили учун қўшимча икки кундан ижтимоий таътил белгиланган. Тиббиёт ходимлари орасида 20 йилдан ортиқ ишлаганлар бор. Демак, уларга 8 кундан ошмаган ижтимоий таътил қўшиб берилиши керак. Мана шу омишнинг инобатга олмастик ҳолатлари ҳам кўп. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 401-моддасида 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ болаларни ёки 16 ёшгача ногиронлиги бўлган фарзандни тарбиялаётган ота-оналарнинг бирига яна 4 кун қўшимча таътил белгиланган. Бу нормалар ходимнинг йиллик меҳнат таътилига қўшилши ва белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Ходимнинг манфаатини ҳимоя қилиш осон эмас, албатта. Фаолиятимизда иш берувчи нотўғри ҳисобланган маблағларни тўлашдан бош тортмай, «керак бўлса, суд орқали ундириш» деган ҳолатлар кўп бўлади. Кейин иш судга оширилади. Қонунбузилишга йўл қўйилгани судда исботланса, аввало, иш берувчига давлат божини тўлаш юкланади. Шунингдек, бир нечта ходимнинг суд жараёнида иштирок этиш учун ишдан қолишига тўғри келади, фуқаролик иши камида 2-3 марта бўлиб ўтади ва бу жараён ташкилотнинг обрўсига ҳам салбий таъсир қилмай қолмайди.

Нотўғри ҳисобланган маблағларни ундириш ёки ходимни ишга тиклаш жараёнида инспекторларни энг кўп қийнайдиган нарса ҳужжат йиғиши ишларидир. Яъни ҳар бир ходимга тегишли 4-5 тагача ҳужжат йиғиши керак. Барча ҳужжатлар adolat.uz электрон порталига жойланади. Улар текширилагач, суд бўлиб ўтайдиган кун белгиланади. Лекин кўп ҳолларда иш берувчи ходимларга тегишли бўлган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмайди. Аниқса, тиббиёт тизимида зарарли омишлар билан ишловчи, жумладан, ички дорихоналар, қон таҳлиллари лабораториялари ва юқумли касалликлар шифохоналарида ишлайдиганлар кўп. Бундай ишчиларга қўшимча имтиёзлар ва устамалар тўлашиши, улар сўт маҳсулотлари ҳамда махсус ҳимоя воситалари, кийим-боши билан таъминланиши шарт. Вилоятда жами 89 та ана шундай шартномаларда ишловчи тиббиёт ташкилоти бор.

Агар ишлаб чиқариш ва зарарли омишлар билан ишлайдиган ташкилотда 50 нафардан ортиқ одам меҳнат қилса, у ерда албатта меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис бўлиши керак. Бундай мутахассис баъзи ташкилотларда бор, баъзиларида йўқ. Баъзан бу вазифа қайсидир ходимга қўшимча юклатилган бўлади.

Агар ишлаб чиқариш ва зарарли омишлар билан ишлайдиган ташкилотда 50 нафардан ортиқ одам меҳнат қилса, у ерда албатта меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис бўлиши керак. Бундай мутахассис баъзи ташкилотларда бор, баъзиларида йўқ. Баъзан бу вазифа қайсидир ходимга қўшимча юклатилган бўлади.

Андижон
вилояти

Энахон Бўтақулова Марҳамат туманидаги Ободонлаштириш бошқармасида фаррош бўлиб ишларди. Бир куни у иш жойида жиддий жароҳат олди.

Меҳнат муҳофазаси ЭХТИЁТСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН!

Андижон вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бўйруғи билан ўтказилган махсус текширишда бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқариш билан боғлиқ экани аниқланиб, корхона томонидан ҳисобга олинди.

Шифокорлар ҳулосасига кўра, унга I гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Унга 21 миллион 313 минг 772 минг сўм бийруёла тўланадиган зарар тўлови берилди, 1 миллион 598 минг сўм ойма-ой тўланадиган зарар тўлови тайинланди.

Афсуски, бу каби ҳолатлар тез-тез такрорланиб турибди.

– Ўтган йили вилоят корхона ва ташкилотларида 17 та ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса рўй берди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши меҳнатни муҳофазасига қилиш бўйича етакчи мутахассиси Дилшодбек Қажомов. – Уларнинг 6 тасида ишчилар ҳаётдан эрта кўз юмди, 14 нафар ишчи-ҳодим турли даражада жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолди. Бунга асосан мутасаддиларнинг меҳнатни муҳофазасига қилиш қонун-қондаларига масъулият билан ёндашмагани, иш жойларида хавфсизлик чора-тадбирлари назоратга олинмагани ҳамда ишчи-ҳодимларнинг эҳтиётсизлиги, эътиборсизлиги сабаб бўлмоқда.

Иш жойларидаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида тегишли ташкилотларни хабардор қилмаслик маъмурий, ҳатто, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Энг ёмони, бундай вазиятда жабрланганлар қонунда белгиланган тўловларни ололмаслиги мумкин.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Самарқанд
вилояти

Фаолиятдаги кўнгилсизликнинг илдизи қаерда? Самарқанд вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида касаба уюшмалари ва туман (шаҳар) хокимлари ўринбосарлари, сув ва йўл хўжалиги мутасаддилари, қурилиш корхоналари раҳбарлари, нодавлат сектори иш берувчилари ўртасидаги мулоқот мавзуси шунга қаратилди.

Сир эмас, ҳудудда фаолият юритаётган қурилиш корхоналарининг учдан бир қисми касаба уюшмаларига аъзо эмас. Тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов меҳнат муносабатларида жамоатчилик назоратининг ўрни, касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари хусусида сўз юритишди.

Вилоят хокимлиги қурилиш коммуникациялари, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича қотибияти мудури Наврўз Раҳмонов айрим нодавлат секторига қаратилди.

Сир эмас, ҳудудда фаолият юритаётган қурилиш корхоналарининг учдан бир қисми касаба уюшмаларига аъзо эмас.

Тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов меҳнат муносабатларида жамоатчилик назоратининг ўрни, касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари хусусида сўз юритишди.

Вилоят хокимлиги қурилиш коммуникациялари, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича қотибияти мудури Наврўз Раҳмонов айрим нодавлат секторига қаратилди.

**Қашқадарё
вилояти**
**УЛАР КАСАБА
УЮШМАСИДАН
РОЗИМИ?**
Чўлма-чўл кезиб махсус асбоблари ёрдамда нефть ва газ конларини излаётган захматқашларни ҳеч учратганмисиз. Асосан кўчма вагонларда, «вахта» шароитида яшаб, меҳнат қиладиган касб эгалари қандай имтиёزلардан фойдаланаётганини-чи? Улар касаба уюшма кўмитаси фаолиятини розими?

«Косон нефть-газ кидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамиятида 835 нафар ходим ишлайди. Касабақўм етакчиси Камолитдин Бахронов ёш бўлса-да, шижоати туғайли қисқа фурсатда хурмат қозонганлардан. У Қашқадарё ва Бухоро воҳаси чўл худудларида жойлашган бурғулаш майдонларида, цехларда бўлиб, ходимлар билан суҳбатлашади, уларнинг касбий ва оилавий шароитлари билан қизиқади.

2023 йилда оилавий шароити ва соғлиғини тикламоқчи бўлган 200 нафардан зиёд ходим кўмитадан моддий ёрдам

олиди. Тўй соҳибларига жамоа шартномасига кўра, иш ҳақининг икки баравари миқдорда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўтган йили 20 нафар хизматчига яқин қариндошлари вафоти муносабати билан кўмак берилди. 12 нафар ходим республикадаги сулим сихатгоҳларда саломатлигини тиклади. Байрамлар муносабати билан белгиланган дам олиш кунлари ҳам эътибордан четда қолмади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёхатлар уюштирилди.

Жамият маъмурий идораси ва бурғулаш майдонларида «Маънавият ва маъ-



ХОДИМЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ОСОН ЭМАС



Жўрабек ИСЛОМБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг
Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори:

– Меҳнат техник инспекторининг асосий вазифаси – иш жойларидаги меҳнат муҳофазаси белгиланган метёриларга мослигини назорат қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиб, ходимлар саломатлиги ва манфаатларини ҳимоялаш.

Биз махсус фармойиш асосида жойлардаги тиббиёт ташкилотларига чиқиб, мана шу омишларни ва албатта, иш берувчи ҳамда ходимларнинг мажбурий суғурталаниши, ногирон шахсларга берилган имтиёзларнинг қўлланишини мониторинг қиламиз.

Айниқса, тиббиёт тизимида зарарли омишлар билан ишловчи, жумладан, ички дорихоналар, қон таҳлиллари лабораториялари ва юқумли касалликлар шифохоналарида ишлайдиганлар кўп. Бундай ишчиларга қўшимча имтиёзлар ва устамалар тўлашиши, улар сўт маҳсулотлари ҳамда махсус ҳимоя воситалари, кийим-боши билан таъминланиши шарт. Вилоятда жами 89 та ана шундай шароитларда ишловчи тиббиёт ташкилоти бор.

Агар ишлаб чиқариш ва зарарли омишлар билан ишлайдиган ташкилотда 50 нафардан ортиқ одам меҳнат қилса, у ерда албатта меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис бўлиши керак. Бундай мутахассис баъзи ташкилотларда бор, баъзиларида йўқ. Баъзан бу вазифа қайсидир ходимга қўшимча юклатилган бўлади.

«ISHONCH» мухбири
Холжда ЭГАМБЕРДИЕВА
суҳбатлашди

Мулоқот



КўНГИЛСИЗЛИККА ЙЎЛ БЕРМАНГ!

Мулоқот иштирокчилари меҳнат муносабатларида мутаносибликнинг ишончли қафолати бу касаба уюшмаларига аъзо бўлишдир, деган муҳим қарорга келишди.

Карим БОБОЕВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси ходимлари
касаба уюшмаси Самарқанд вилояти
кенгаши раиси

Мулоқот иштирокчилари меҳнат муносабатларида мутаносибликнинг ишончли қафолати бу касаба уюшмаларига аъзо бўлишдир, деган муҳим қарорга келишди.

«Косон нефть-газ кидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамиятида 835 нафар ходим ишлайди. Касабақўм етакчиси Камолитдин Бахронов ёш бўлса-да, шижоати туғайли қисқа фурсатда хурмат қозонганлардан. У Қашқадарё ва Бухоро воҳаси чўл худудларида жойлашган бурғулаш майдонларида, цехларда бўлиб, ходимлар билан суҳбатлашади, уларнинг касбий ва оилавий шароитлари билан қизиқади.

2023 йилда оилавий шароити ва соғлиғини тикламоқчи бўлган 200 нафардан зиёд ходим кўмитадан моддий ёрдам

олиди. Тўй соҳибларига жамоа шартномасига кўра, иш ҳақининг икки баравари миқдорда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўтган йили 20 нафар хизматчига яқин қариндошлари вафоти муносабати билан кўмак берилди. 12 нафар ходим республикадаги сулим сихатгоҳларда саломатлигини тиклади. Байрамлар муносабати билан белгиланган дам олиш кунлари ҳам эътибордан четда қолмади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёхатлар уюштирилди.

Жамият маъмурий идораси ва бурғулаш майдонларида «Маънавият ва маъ-

рифат» марказлари ташкил этилган бўлиб, уларни янги адабиётлар, бадиий китоблар билан бойитишда касаба уюшма кўмитаси ташаббускорлик кўрсатмоқда.

– Баҳор фасли байрамларга бой. Ҳар бир байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш, саналарга бағишлаб спорт мусобақалари, турли танловлар ва саёхатлар уюштиришни мўлжаллашимиз, – деди Камолитдин Бахронов галдаги режалари билан ўртоқлашар экан.

Акмали АБДИЕВ
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Ижтимоий хизмат

ХЕЧ КИМ ЁЛҒИЗЛАТИБ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Зомин тумани Ём қишлоғида яшовчи Марҳабо Аликулова II гуруҳ ногирони. Унга ҳомийлар томонидан уй қуриб берилиб, оёғига эндопротез қўйиш учун «Вақф» фондидан 30 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўғлим билан ижарада яшаётганим устига бахтсиз ҳодиса туфайли бир оёғимдан ҳам ажралиб, тақдирнинг зарбасига дош беришга қийналиб қолган эдим, - дейди у. - Аммо давлатимиз ғамхўрлиги, жамиятимиз инсонпарварлиги, халқимиз меҳр ва оқибати туфайли мен ёлғиз эмаслигимни ҳис қилдим. Маҳалламиз, туман ижтимоий хизмат ходимлари, яхши одамлар ғамхўрлиги билан ҳам жисмоний, ҳам моддий, ҳам руҳий тикландим. Шундай юрда яшаётганимдан, ночорларга ғамхўрлик қилаётган давлатимиздан, эл-юртимиздан беҳад миннатдорман.

Ҳаёт қийинчиликлари билан мардонатор курашиб яшаётган Марҳабо Аликулова эътибор ва ғамхўрлик туфайли қаддини тикламоқда, рўзгорини бутламоқда. «Берсанг ейман, урсанг ўламан» деган кайфиятдан йироқ. Протездан юришни маш қилаётган аёл эндиликда ўзи яхши биладиган каштадўзлик ишларини бошлашни ният қилган. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги туман маркази томонидан бириктирилган ёрдамчи Марҳабо опага уй ишларида кўмаклашяпти.

Туманимизда ногиронлар давлатимиз ҳамда жамиятимизнинг эътибор ва меҳридан баҳраманд яшашмоқда, - дейди «Инсон» ижтимоий хизматлар Зомин тумани маркази мутахассиси Эргаш Ганиев. - Айтиш мумкин, туманда ўзгалар кўмағига муҳтож 65 нафар ногиронга 10 нафар ижтимоий ходим ассистентлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Биргина январь ойида «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази томонидан 7 нафар фуқаро реабилитация воситалари билан таъминланди. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишда маҳаллалар фаоллиги ошгани, айниқса, яхши самара бераётир.

Муҳокама

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА АМАЛИЙ КЎМАК КЕРАК

Пахтакор туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма ташкилотининг жамоа шартномаси ижросига бағишланган умумий йиғилишида шундай хулосага келинди.

Йиғилишдан аввал мактабга ташриф буюрган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши раиси ҳамда ҳисобчиси томонидан бошланғич ташкилот фаолияти ва муассасада жамоа шартномасининг бажарилиши ўрганиб чиқилган.

Ўтказилган суҳбат, ҳужжатлар билан танишиш давомида муассаса ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги, айримлари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги қондаларини, ўз ҳуқуқларини билмаслиги маълум бўлди. Муассасада касаба уюшма бошланғич ташкилоти алоҳида хонага ҳам эга эмаслиги иш берувчининг жамоат ташкилотига эътиборининг нечоғли камлигини кўрсатиб турарди. Ваҳоланки, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини бойитиш касаба уюшма бошланғич ташкилоти ўз фаолиятини тўла амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш каби ишлар жамоа шартномасида кўрсатилган.

Ушбу ўрганишлар якуни ва муассасада 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2023 йилги ижроси мактаб касаба уюшма бошланғич ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Тахлил, танқидий руҳда ўтган йиғилишда иштирокчилар бошланғич ташкилот фаолиятидаги камчиликларни тузатиш, фаолиятини ошириш юзасидан бир қатор таклифлар билдиришди.

Йиғилиш қароридан бошланғич ташкилот фаолиятида ва жамоа шартномаси ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш бўйича аниқ вазифалар, бажариши мумкин бўлган ишлар белгиланди. Бошланғич ташкилот учун хона ажратилишига келишилди.

Жамоа шартномаси шартларининг ижросига бағишланган шундай умумий йиғилиш тумандаги 7-давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳам бўлиб ўтди. Бу жамоада ҳам бошланғич ташкилот фаолияти мактабгадеч эмас экан.

Тумандаги барча бошланғич ташкилотлар фаолиятини ва жамоа шартномалари ижросини ўрганиб чиқиб, касаба уюшма умумий йиғилишларида муҳокама қилляпти, - дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши раиси С.Пирматов. - Афсуски, кўпчилик бошланғич ташкилот етакчиларининг ўзлари ҳам касаба уюшма ташкилотининг ҳуқуқ ва бурчларини чуқур билмайди. Муассаса маъмуриятлари томонидан бошланғич ташкилотлар тўлақонли фаолият юритишга етарли шароит яратиб бермаган. Натижада жамоа шартномаси ижроси тўлиқ таъминланмапти. Тармоқ касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг жамоа шартномаси ижросига бағишлаб ўтказилаётган умумий йиғилишларда бу камчиликлар очкилланиб, уни бартараф этиш чоралари белгиланаётир.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

Бухоро вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

Сирдарё вилояти

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЁРДАМ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Эҳтиёжманд хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш, кредит бериш ва иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни давлат бошқаруви органлари томонидан бекам-кўст амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда.

Ўтган йилда масъул идоралар томонидан «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичида вилоят бўйича 60 минг 44 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилган бўлиб, шу даврга қадар 59 минг 913 нафарининг муаммолари тўлиқ ечимини топган. Шу тариха хотин-қизларнинг 26 минг 344 нафарининг бандлиги таъминланди, 2 минг 442 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. 31 минг нафарга яқин хотин-қизга «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдоридан бир марталик моддий ёрдамлар ажратилди. 511 нафарининг уй-жой таъмирланди, 35 нафари уй-жой билан таъминланди, 123 нафарига ижара тўловлари учун компенсация тўлаб берилди. Шу билан бирга, 91 нафар хотин-қизга томорқа ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига асосан, хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича вилоятдаги 419922 та хонадондаги 434045 нафар 18-55 ёшдаги хотин-қизлар билан суҳбатлар ўтказилди. Натижада уларнинг 379237 нафари турли соҳаларда банд экани, 4866 нафарининг эса ишлаш истаги борлиги аниқланди. Масъул давлат ташкилотларининг саз-ҳаракатлари ҳамда касаба уюшмалари фаоллари олиб борган жамоатчилик мониторингини ва эшитувларга кўра ишлаш истагида бўлган хотин-қизларнинг 874 нафари доимий ишга жойлаштирилди. 1139 нафари мавсумий ва вақтинча ишларга жалб қилинди. 2009 нафар хотин-қиз берилган ёрдам ва субсидиялар ажратилишидан катта наф кўрди. Томорқа-

дан самарали фойдаланиш, иссиқхона қуриб бериш, тикув машинани ва бошқа иш қуроллари тақдим этилиши натижасида ўзини ўзи банд қилди. 273 нафар тадбиркорлик истагини билдирган хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. 558 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди.

Яқинда Бухоро вилояти штаб бошлиғи Махмуд Бобоевнинг ташаббуси билан «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичи бўйича хатлов жараёнининг бориши, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш дастурларининг туман ва шаҳарларда бевосита маҳалла фуқаролар йиғинларида ижроси Бухоро, Вобкент, Жондор ва Ромитан туманларида жамоатчилик назорати тартибидея ўрганилди.

Жойларда олиб борилаётган хатловда мавжуд саволларга жавоб берилиб, муаммолар давлат органларига кўтариб чиқилди. Жамоатчилик назорати олиб борилиши натижасида 20 дан ортик масалаларга ечим топилди.

Касаба уюшмалари ишчи гуруҳининг жамоатчилик назорати якуний хулосаси эса вилоят ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Феруза Ибрагимова раҳбарлигида вилоятнинг «Аёллар дафтари», хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш дастурлари учун масъул бўлган идоралар раҳбарлари иштирокида танқидий кўриб чиқилди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган муҳокамада хатловда ҳар бир хотин-қизнинг муаммоси четда қолмаслиги, ҳар бир оилага,



ҚИШЛОҚ ЧЕВАРИНИНГ ИШОНЧИ

Дилдора Жўрақулова қишлоқнинг чевари, деб ном чиқарган. У Гулистон тумани «Шарқ ҳақиқати» маҳалласидаги сергайрат аёллардан бири. Келин-қизларга айтган бичимдаги либосларини тикиб беради. Чаққонлиги учун миқозлари ҳам кўп. Ҳўнар ўрганишни истаганларни бажонидил қабул қилишдан одамохунлигига тан берасиз. Айниқса, қишлоқда тўй бошланса Дилдора биринчи бўлиб хабар топади. Сабаби, келин томон сепини, қувё томон кўрпа-тўшақларини унга ишонишади.

У 2022 йили маҳалланинг «Аёллар дафтари»га киритилганди. Шуниси маъқулки, унга 10 миллион сўмлик замонавий тикув машинаси асбоб-анжомлари билан берилди. Ёшлиқдан ҳамроҳ бўлиб келаётган тикув машинаси ҳам яна бир шогирдига асқатди. Хозирда уйда икки тикувчи билан чеварчилик қилишади. Излаганга имкон топилади. Дилдора қишлоқ боғчасидаги кизчалар ва болакайларга мослаб байрам либосларини тикди. Кичкинтойларга завқ берадиган сариқ, ялтироқ матодан тикилган бежирим кўйлак ва нимчалар оналарнинг завқини келтирди.

Буюртмалар кўпая бошлади. Болажонлар машғулотларида ҳам Дилдоранинг ижодкорлиги маҳсул - рангли матолардан тайёрланган «мева, सबавотлар»дан фойдаланишади.

«Аёллар дафтари»ни мен «аёлларнинг жонига оро, «Меҳр дафтари» деган бўлардим. Шу дафтарда борлигим сабаб, ишларим юришиб кетди, - дейди Дилдора. - Ишимдан завқланиб, роҳатланганман. Шогирдларимга ҳам чеварлик бир кунлик эмас, билан умрлик касб эканлигини уқтираман.

Сирдарё вилояти ҳокими ташаббуси билан «Сен азиз ва муқаддасан аёл!» широри остида маҳаллалардаги ижтимоий фаол аёллар ўртасида 10 та йўналиш бўйича танлов эълон қилинган эди.

Тумандаги 26 та маҳаллада ўтказилган бу танловда «Шарқ ҳақиқати»дан Дилдора Жўрақулова «Аёллар дафтари»да туриб иш фаолиятини йўлга қўйган ҳамда ўзини-ўзи иш билан банд қилган аёл сифатида ғолиб бўлди. Ғолиблар энди туман, сўнгра вилоят босқичида беллашадилар.

Қимматбахо сова ҳамда 3-5 марта кунлари пойтахтимиздаги «Халқлар дўстиги» саройида бўлиб ўтадиган «Сен азиз ва муқаддасан аёл!» гала-концертига махсус таклифномани, албатта, қўлга киритишми керак, - дея сўзлайди Дилдора ҳаяжон билан.

Қишлоқ чевари танловда юқори поғонага чиқишига, вилоят босқичида ғолиб бўлишига ишонади. Чунки ҳаракати ҳам шунга яраша, - дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Феруза Нормаматова.

Баҳринисо НОРЖИГИТОВА

Суратда: чандан иккинчи Дилдора Жўрақулова

Самарқанд вилояти

Дунё иқтисодиётида депсинишлар рўй бераётган, мафкуравий хуружда авж олаётган ҳозирги шароитда ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатида устуворлик касб этмоқда. Сергайрат ва шижоатли навқирон авлодини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур имкониятлар яратиш бериш вазифаси кун тартибидан доимо муқим ўрин эгаллаб келмоқда.

Тадбир

ФАОЛЛАР УЧУН РАҒБАТ

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси шундан келиб чиқиб, кўхна шаҳардаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида касаба уюшмалари масъуллари ва ёшлар учрашувини ўтказди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарход Ханапиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сўхроб Рафиқов ҳам қатнашдилар.

Очиқ мулоқотлар чоғи ёшларни қийнаб келаётган муаммолар ҳусусида сўз юритилди ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу жараёнда ички туризм йўналишида ёшлар савҳатини ташкил этиш ҳусусида келишиб олинди. Жумладан, март ойида касаба уюшмалари кўмағида 50 нафардан зиёд йил-қиз Хоразмга савҳатга олиб борилди. Қолаверса, келгусида касаба уюшмалари қошидаги «Касаба Самарқанд» туристик фирмаси орқали қадимий шаҳарлар ҳамда табиат қўйнига туристик сафарлар ташкиллаштирилади.

Учрашув ниҳоясида бир гуруҳ фаол ёшларга Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасининг вилоят бирлашган кўмитаси фахрий ёрлиғи ва совғалари топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Тошкент вилояти

Таъкидланганидек, 2021-2023 йиллар давомида ёшларда ватанпарварлик, ҳалоллик ва мардлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этишга қаратилган 400 тага яқин ўқув-семинар, маънавий-маърифий учрашувлар ҳамда турли тадбирлар ташкил этилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали олий ўқув юртлирида тахсил олаётган 600 нафарга яқин иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пулларининг муайян қисми тўлаб берилди. 400 нафардан ортик ёш оилаларга уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун физиксиз соудалар ажратилди, яна 400 нафардан зиёд ёшларга ҳарбий хизматга чакрилиши муносабати билан физиксиз соудалар ажратилди.

Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган «Касаба уюшмалари стипендияси» 2022 йилда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси Аҳмаджон Алимбоевга, 2023 йилда эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини талабаси Тошгул Мухаммадалиевага мунтазам бериб берилди. Шунингдек, 2022 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аъзоси деб топилган, Пискент тумани тиббиёт бирлашмаси ёш ҳамшираси ҳамда 2023 йилда ўртачирчилик масъул ходимга касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёшлар ҳамда ёш ўқитувчилар ўртасида «Заковат» интеллектуал

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА

Тошкент вилояти касаба уюшмалари ёшлар бирлашмасининг ҳисобот конференцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши вакиллари ҳам қатнашди.



йўини ҳамда «Кувноқлар ва зукқолар» уйини уюштирилиб, 700 нафарга яқин аъзолар қамраб олинди. Шунингдек, талабалар билан давра суҳбати, иншоалар танлови ҳамда «Интеллект» интеллектуал уйинлари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилди.

Касаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга қаратилган «Ўзбекистон бўйлаб савҳат қил!» широри остида 6000 нафарга яқин ёшлар юртимизнинг диққатга сазовор ва тарихий маконларига юборилди.

Яна бир муҳим жиҳат, тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Конференция



ДАРАХТКУШЛИК НЕГА БАРҲАМ ТОПМАЯПТИ?

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йили Ўзбекистонда 4 минг 599 туп дарахт ва буталар ноқонуний йўқ қилинган. Ўтган йилнинг дастлабки ярмида эса уларни ноқонуний кесилган боғлиқ 2 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарлик аниқланган. Ана шуларнинг оқибатида Тошкент ҳавоси ҳам кескин ёмонлашиб бормоқда ва кўплаб касалликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, юрак-қон томир, нафас йўллари, бронхит астма, тери ва кўз хасталиқлари, жигар церрози, қон босими ошиши ва ўпка раки сингари дардлар бўлмоқда.

Умуман олганда, Курраи заманида ҳар йили ҳаво ифлосланиши туфайли урчиған касалликлардан 7 миллион киши вафот этади. Ачинарлиси, бу кўрсаткич вақт ўтгани сайин ошиб бормоқда. Шунга қарамай, айрим қимсалар дарахтлар умрига зомин бўлишдан тўхтагани йўқ. Бундай қилмишлар бизнинг юртимизда ҳам кўпайса кўпайдики, асло қамаймади. Баъзи «уддабуронлар» янги бино қуриш ёки ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун гурқираб-яшнаб турган ўнлаб-юзлаб дарахтларни ҳамирдан қил суғургандек, ими-жимиди йўқотиб юборишяпти. Баъзан уларни очик-ошқора арралаб, баъзан томирига заҳар юбориб нобуд қилишяпти, сўнгра бу қирқдорларнинг хаспўшловчи ҳужжатларни расмийлаштиришяпти.

Ҳолбуки, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазир Азиз Абдуҳакимов бундан сал олдин Газета.уз.га берган интервьюсида дарахтни кесганлик учун жарималар миқдори оширилиши ҳақида сўз юритганди. «Ҳозир қатта-қатта дарахтларни кесса ҳам, бор-йўғи 1 миллион 800 миң сўмдан 3 миллион сўмгача тўлаб, қутули кетяпти. Буни 30 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача кўтарсак, бу албатта сезиларли бўлади. Эртага манамен деган тадбиркор ҳам дарахтларни кесиш мумкин эмаслигини ўйлаб кўради», деган эди. Амалда эса, бу хусусда нуфузли идораларга таклиф қилинган-қиритилмагани, дарахтқушлик учун белгиланган жарималар миқдори ўзгарган-ўзгармагани ҳақида кўпчиликка номаълум.

Масаланинг яна бир ачинарли жиҳати шуки, юртимизда дарахтларга бўлган муносабат, уларни асраб-авайлаш маданияти деярли шаклланмаган. Аслида биз фарзандларимизга боғча ёшидаликдаёқ она табиятга, жумладан, наботот оламига меҳрли бўлишни ўргатишимиз керак. Эзгу мақсадда турли мультфильмлар яратишимиз, экологияга оид дарсликлар ва қўлланмаларни кўпайтиришимиз лозим. Ўз навбатида, дарахтларни кесганлик ёки уларга зарар етказганлик учун жарималар миқдорини кўтаршимиз зарур.

Бундай қатъий чоралар бошқа давлатларда аллақачон жорий этилган. Масалан, Швейцарияда дарахтни руҳсатсиз кесган киши 120 миң долларлик жарима тўлайди. Россияда шу ишга қўл урган, ўрмон плантацияларига зарар етказган ёки ўрмонлардаги дарахтлар, буталар, узумларни ўзбошимчи билан нобуд қилган фуқаролар 3 миң - 3 миң 500 рублгача жарима жазосига тортилади. Туркияда парвариланаётган кўчатларни қўпориб ёки илдиридан суғуриш, ёш дарахтларни жароҳатлаш, тепа қисми ёки ён шохларини кесиш учун 697 лирадан 5 миң 637 лирагача, Германияда 50 евродан 100 миң еврогача жарима қўлланилади. Араб давлатларида бу миқдор дарахтнинг ўлчамига қараб, 10 миң лирадан 500 миң лирагача белгиланган. Агар садр ёки кўпик дарахти кесилган бўлса, жарима йигирма бараварга оширилади, гоҳида 10 кундан 6 ойгача қамоқ жазоси ҳам тайинланади. Америкада эса дарахтлар қушандалиги ўта оғир жиноятлар сирасига қиритилган бўлиб, 15 миң долларгача, айрим штатларда эса 100 миң долларгача жарима ёки бир йилгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Демак, бу борада биз ҳам илғор давлатлар тажрибасидан фойдаланишимиз, бугунги экологик ҳавф-хатарни мўтадиллаштириш ва олдини олиш учун дарахтларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз даркор.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Долзарб мавзу

МАКТАБЛАРДА ЖАНЖАЛЛАР КЎПАЙИБ КЕТМАЯПТИМИ?



АЧИНАРЛИ АҲВОЛДАГИ ТИЗИМ

Болалигимизда бир мультфильми севиб томоша қилардик. Ундаги тенкгуларимиз учун энг қизиқ сахна шундай эди: бир қизалоқ ўрмонда ўйнаб юриб, совкогандан бир-бирининг пинжиги тикилиб олган иккита қуённи кўриб қолади. У «Совуқми?» деб сўрайди. Қуёнлар «Жудаям сову-у-у-у-у...» дейишади. Шунда қизча бошидаги рўмонлини ечиб, уларнинг устига ёпади. Қуёнларнинг бўйларини баландроқ бўлгани сабабли, бошларини ёпса, оёқларини, оёқларини ёпса, бошларини очик қолиб, совуқдан дилдирайверишади. Биз мультфильмнинг ана шу қисмини мириқиб кўрардик.

Менинг назаримда, ҳозир биздаги таълим соҳаси ҳам худди шундай аҳволга тушиб қолган. Негаки, тизимни ривожлантириш учун у ёғини ўзгартирмоқчи бўлишса, бу ёғида, бу ёғини тўғрилаймиз дейишса, у ёғида муаммо пайдо бўлмоқда.

ЎҚИТУВЧИНИ КАМАТМОҚЧИ БЎЛГАН АЁЛ

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги 1-мактабда физика ўқитувчиси ва 7-синф ўқувчиси ўртасида жанжал келиб чиқди. Оқибатда иккала томон ҳам калтақдан мосуво қолмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ижтимоий тармоқларда ана шу можарога оид видео тарқалди. Унда она

боласини ногиронлар аравачасида олиб юргани, фарзандини ўқитувчи «ўласси қилиб» калтақлагани, аниқроғи, бошини деворга 10-15 марта уриб, хушидан кетказгани туфайли у шундай кўйга тушганини айтиб зорлангани акс этган.

Ушбу воқеа юзасидан вилоят ва туман ички ишлар бўлимлари томонидан олиб берилган суриштирувлар натижасида ҳақиқий вазият ойдинлашди. Яъни уша қуни боланинг ўзи ўқитувчисига бир неча марта қўл кўтаргани, кейин муштлашув рўй бергани ва Тез тиббий ёрдам бўлимига олиб борилганида у хушида бўлгани, ногиронлар аравачасида олиб юриш нотиғри иш бўлгани ҳам исботини топди.

Шунга қарамай, аёл шаштидан қайтгани йўқ, аксинча, қандай бўлмасин, ўқитувчини каматмоқчи. Айни мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга зир қатнамоқда. Махалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишловчи Зулфия Алмуҳаммедованинг айтишича, у бола ишовчи хонадонга борган. Аммо онаси «Ишни охиригача етказаман, барибир, уни қаматаман, ҳатто адвокат ҳам ёлладим» деб оёқ тираб туриб олган.

НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИ ШАРТ ЭДИМИ?

Туман Тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Абдулазиз Обидов «Севимли» каналига берган интервьюсида содир бўлган ҳолатни қуйидагича изоҳлаган:

«Ўқувчи шифохонага бошининг чакка қисмидаги шилиниб, йиртилиш орқали ортирилган жароҳат ҳақидаги шикоят билан олиб келинди. Бу пайтда хушида бўлиб, умумий аҳволи қониқарли эди. Уни ногиронлик аравачасида олиб юришга ҳам эҳтиёж йўқ эди, чунки ўзи бемалол ҳаракатланиб юра оладиган ҳолатда эди.

Доктор ўқитувчи ҳам бўлимга ўнг кўз перереобитал гематомаси, кўкаришлар ва умумий ҳолисиликка тушгани ҳақидаги шикоят билан мурожаат қилганини таъкидлаган.

«УСТОЗ УРМАДИ, АВВАЛ У УСТОЗНИ УРДИ»

Синфдошининг гапига қараганда, ўша қуни ўқувчи дарсга 15 дақиқа кечикиб келган. Муаллим унга танбех берган. Сўнгра ҳаммадан уй вазифасини сўраб, дафтарларини кўрсатишни талаб қилган.

«Хаммамиз дафтаримизни олиб бордик, лекин у олиб бормасди, - дейди гувоҳ ўқувчи. - Кейин устозимизни онасидан сўкиб ҳақорат қилди. Синфда турган бақлажани олиб, устозга олди.

«Тўғри, устоз уни урмади, у устозни урди, - дейди бошқа бир ўқувчи бу гапни маъқуллаб. - Сўккани учун устоз уни силтаганида боши деворга тегди.

Хуллас, икки ўртада тортишув бошлангач, ўқувчи устозига бир неча бор мушт туширган. Шу жараёнда ўзи ҳам тан жароҳати олган.

«ДАРСЛАРИМДА ШУМЛИК, ИНТИЗОМСИЗЛИК ҚИЛИБ ЎТИРАДИ»

Ўқитувчи Алимбек Саидбековнинг айтишича, барча дарслари чоғида ўша ўқувчининг интизомсизлиги гувоҳи бўлган. Бу ҳақда ҳатто синф раҳбарини ҳам огоҳлантирган. Ўқувчининг яқинлари боқабар қилинганида эса, унинг босиб «Неварамнинг хулқини ўзим яхшилаб бераман», дейди.

Бу гапдан ўқувчининг ўзи беодоб ва тарбиясиз бўлган, унинг ноқўя қилиқларидан яқин қариндошлари ҳам яхши ҳабардор экан, деган хулоса чиқариш мумкин. Акс ҳолда, босиб унинг тарбиясини яхшилаб беришни ваъда қилмаган бўларди.

САБР-ТОҚАТНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Очигини тан олайлик, сўнгги вақтларда мактаблардаги жанжаллар кўпайиб кетмаяптими? Ўқувчининг ўзи устозига қўл кўтариши, онаси уни ногиронлар аравачасига ўтказиб олиб юриши, ўлганнинг устига тепгандай, бу ҳақдаги видеони бутун дунё кўрадиган ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ўқитувчининг, қолаверса, бутун таълим тизими оғурига путур етказиш эмасми? Мамлакатимизда ўқитувчилик касби тобора аёллар касбига айланиб бораётганига, эркак муаллимларнинг аксарияти бу тизимда ишлашни хоҳламаётганига мана шунақанги ҳолатлар ҳам сабаб бўлмаяптими?

Яна бир гап. Ҳеч бир ўқитувчи мактабда болаларни уриб таълим беришни истамайди ва бунга ҳақи ҳам йўқ. Аммо ўқувчи одоб чегарасидан чиқса, устозини сўкса, унга қўл кўтарса ёки дуч келган нарсани улоқтирса, асаби қакшаган ўқитувчи жаҳлини босолмаган ва ўзи билмаган ҳолда қўполлик қилиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор!

Эсимда, бобом раҳматли бирор ғаройиб янглиқни кўрса, «Вожаб, шундай замоналарга етиб келдик», деб ёқасини ушларди. Ишончим қомилки, агар у киши ҳозир ҳам ҳаёт бўлганида, таълим ва маънавият соҳаларида рўй бераётган айрим ноҳуш ҳолатларни кузатиб, ўн чандон-юз чандон ҳайратга тушган бўларди...

Ҳолида ЭҒАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Ҳафтада бир **БОЗОР**, сел келса, элга **ОЗОР**

Халқимизда мажозий маънода ишлатиладиган «Ҳафтасига бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар» деган қадимий мақол бор. Аммо бахмалликлар бу нақлни сал ўзгартириб, шу тумандаги Чоршанба бозорига нисбатан тўғридан-тўғри ўз маъносига қўллашади. Боиси, бозор сой ичида – Сангзор дарёси ўзанида жойлашган. Ёмғир ёғса, унга сел келади. Қарашлики, ёгингарчилик пайтлари бозорчилар Қирққилшоқ кўчаларига чиқиб, самдо қилишдан ўзга илож топишолмади.



Аслида ҳафтанинг ўртасида бўладиган бу бозор кўпчиликка яхши маълум. Унга тумандаги 100 дан зиёд қишлоқдан, қўшни Галларол, Шароф Рашидов туманларидан ҳам соғувчилару харидорлар келишади. Чунки Бахмалнинг машҳур олма-маси, фақат шу заминда етиштирилладиган мевалари, сергўшт Санта-Гертруда зотли молларнинг авлодлари айнан шу ерда сотилади. Шунингдек, вилоят ва туман марказларидан анча олисда жойлашган бозорда мижоз излаб юради-

ган майда савдогарлар ҳам кўп. Таъбир жоиз бўлса, у очик осмон остидаги чеки-чегараси ҳам, чеклови ҳам йўқ бозор ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари Қирққилшоқда ҳам кўп нарса ўзгарди, аммо ундаги бозорда ҳеч нарса ўзгармади. Бундан ўтти-қирқ, ҳатто эллик йил олдин қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай: сой ичида, сел йўлида, очик осмон остида хар чоршанба, агар ёмғир ёғмаса, савдо-сотик қизийди. Ёмғир ёғиб, сел келса, бозор деворлар панасига кўчади.

Сотувчилар ҳам унинг Бахмал табиғатига ўхшаш ўзгарувчан ҳавосига кўникиб кетишган. Ярим ҳазил, ярим чин қилиб, «Бозорнинг бўлгани шу, уни тузатиб бўлмайди. Бизни эса Худо ўзи асраб келмоқда, ҳалигача бирор бозорчини сел оқибди кетмаган, сел асосан бозор бўлмайдиган кунлари келади», дейишади.

«Ёгингарчилик кўчайган кезларда сотадиган маҳсулотларимиз сув остида қолган пайтлар ҳам бўлган. Бу демак, ҳам бизнинг меҳнатимиз шамолга совурилади, ҳам элнинг ризқ-наси-

баси беҳуда йўқ бўлади, - дейди шу ерлик Жавҳар Бўриева. - Ёз кунлари чангга қоришиб савдо қиламиз. Ишқилиб, қатгароқ сел келиб қолмасайди, деб хавотирланиб турамыз. Бозор масъуллари эса «Режалаштирилган, яхшлаймиз» деган қуруқ гапдан нарига ўтишмайди.

Ачинарлиси, фақат бозорчилар эмас, бозор мутасаддилари, туман раҳбарлари ҳам бу аҳволга кўникиб кетишган. Ҳолбуки, фақат сўнгги тўрт-беш йил давомида бозор хизматларини ривожлантириш, бозорлар қуриш,



Одатда бозор унда савдо қилувчилардан тўпланадиган йиғим пуллари эвазига ўзини ўзи боқади. Шундай экан, барча харажатлардан ортган ва бозорни ривожлантириш учун қолдетишган маблағлар уни замонабон қилиб қуришга етадими? Ёки айтайлик, пул олиниб, патта берилмаётган бозорда ҳисоб-китоб тўғри юртишляптими? Бундай абгор аҳвол биргина «Чоршанба»дами? Ҳафта кунлари номи билан аталган вилоятдаги «Пайшанба», «Жума», «Сешанба» каби бозорларни қайта қуриш режалари қандай амалга ошириляпти?

Биз бу саволларимизга мутасаддилардан аниқ ва қатъий жавоб кутамиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»





Сурхондарё вилояти Тарғибот

ҲАР БИР ТАШКИЛОТДА КАСАБА УЮШМАСИ ТУЗИЛСА...

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида касаба уюшмасининг афзалликлари ва унга аъзо бўлиш тўғрисида йўналиш бўлиб ўтди. Тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Б.Султонов, бош ҳисобчиси Ш.Содиқов, юристконсулти Л.Нишоновна, вилоят ҳудудий кенгаши раиси А.Шерданақулов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси А.Аҳмедов ҳамда шаҳар, туман ҳокимларининг қурилиш бўйича ўринбосарлари ва бошқа масъул ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Йўналишда тармоқ касаба уюшмасига нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларни жалб қилишга оид тарғибот ишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, меҳнат жамоасида иш унумдорлигини янада ошириш, соғлом ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш учун иш берувчилар касаба уюшмаси ташкилоти тузилиши мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Касаба уюшмасига аъзо бўлган ташкилот-корхоналарда ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун санаторий ҳамда болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратishi зарурлиги кайд этилди.

Ҳудди шундай тадбир вилоят касаба уюшмалари кенгашининг кичик мажлислар залида ҳам бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ва муассасаларининг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари катнашишди.

Йўналишда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари иш фаолияти самарадорлигини янада ошириш, касаба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш борасида қилиниши керак бўлган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди. Ушбу мақсадда бошланғич ташкилотлар олдига турган истикболли режаларни ҳаётга таъбиқ этиш бўйича етакчиларнинг ўзаро тажриба алмашиб фаолият юритишларини таъминлаш зарурлиги уқтирилди.

Катнашлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ «ISHONCH»



Семинар

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Тошкент давлат аграр университетидида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш ҳамда юридик хизмат кўрсатиш йўналишларида фаолият юритаётган мутахассислар учун семинар ўтказилди.

Унда Президент ҳўзуридидаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги, Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазирлиги, Аграрноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «UZINFOSOM» МЧЖ вакиллари иштирок этдилар.

Ўқув-машғулотда таъкидланганидек, охириги йилларда кадрлар сиёсати масаласида айтишга арзиғулик изоҳотлар олиб борилмоқда. Бўнинг натижасида кўплаб ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги муаммолар барҳам топмоқда.

Семинар давомида мутахассислар кадрлар сиёсати, давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш йўналишида жорий этилаётган янгиликлар, ходимлар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этиш, бошланғич касаба уюшмаси фаолиятини янада яхшилаш ва бошқа катор масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, устувор вазифаларни белгилаб олишди.

Шоҳида БЕГИМКУЛОВА, Аграрноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири

Булунғурлик тадбиркор аёл, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси Меҳринисо Умрзоқовага дуч келдим унинг бир чиқиққа жо бўлмас ҳаётини, чегара билмас меҳрию тадбирларини битта мақолага қандай сиғдирар эканман, дея тинчим бузилди. Меҳринисонинг самимий, салмоқли сўзлари, амалга ошираётган ишлари ва ҳеч кимникига ўхшамаган фикрлари мени ўзига жалб этди. Унинг қонида шoirлик ҳам, журналистлик ҳам, ҳофизлик ҳам, тадбиркорлигу бошқарувчилик ҳам борлиги ҳайратимни янада оширди. Қолган хислатларини эса мақолани ўқиш жараёнида билиб олмасиз.



Орамиздаги одамлар

ЖОНИ МИНГТА ЎЗБЕК АЁЛИН...

МЕҲРИНСОНИНГ ҲИҚОЯЛАРИ

ҲЕЧ КИМГА АЙТМАГАНЛАРИМ

— ...Мен шу дамгача одамларни тингладим, уларга ҳамдам-дардақаш бўлдим. Қўлимдан келганича ёрдамлашдим. Ҳамма мени кучли деб ўйлади. Қўзимда бир томчи ёш кўрмадилар...

Турмуш ўртоғим олий маълумотли, инглиз тили мутахассиси эди. Келишим, тартибли, озода, яхши кийиндиган, ўзини севадиган инсон эди. Сиртдан қараганларнинг ҳаваси келарди. Аммо бизнинг қарашларимиз икки хил эди. У кишининг фикрича, хотини қишлоқ, бир бурда нонга қаноат қиладиган, фақат эрига хизмат қиладиган аёл бўлиши керак эди. Албатта, хизматини қилишдан қочмасдим, жанжаллашмасдим. Бироқ...

Қийинчилик кўрмай, ўзига тўқ оилада ўсан қиз эдим. Янги келтирилган, икковимиз ҳам мактабда иш бошладик. Маош олишимизга 20 кун бор. Овсинимнинг қўлига келин бўлиб тушдим. 15 кун бир оилада яшадик. Ун олтинчи кунни беш-олтига кўрпа-кўрпача, тўрт жуфт ёстиқ, тўрт-бешта кўйлак, битта кострюлка билан алоҳида қилиб қўйишди. «Булунғур» совхозидидаги давлат қўрағон уйлардан бирига кўчиб келдик. Қайновам беран 20 сўмга уй учун керакли нарсаларни сотиб олдим. Охириги бир сўмни эримга бердим. «Битта нон олиб, 60 тишини қайтариб келинг», деб тайинладим. У икки соатда қайтиб келди. Қўлида нон ҳам, 60 тишин ҳам йўқ эди.

Эрталаб оч ҳолда, олти қақирим наридаги мактабга пиёда кетдим. Очликдан ийқилай деб зўра дарс ўтаётганим, ҳамкасбим Барно тушликка таклиф қилиб қолди. Бир бурда нон ва битта туҳумни зўрлаб едирди. Уйга яна пиёда қайтдим. Очлик ва нон топши қайеуси мени чарчатганди. Кечқурун эрим зўрага оёқда туриб, кириб келди. «Уйда ҳеч нарса йўқ, нима еймиз?» дедим секингина. У қўлини силтади-ю, ўзини ёстиққа ташлади. Гапириш бефойда. Оч ётиб, оч турдим. Эрталаб эримга ноҳушга ҳеч нарсамиз йўқлигини, икки кундан буён очлигимни айтдим.

— Мен қайдан топанам пулни?! — деб эжеркиб чиқиб кетди. Бахтим бор экан, эртасига гўшт, туҳум, сариёғ, ун, макарон қўтариб, назот фаршчасига ўхшаб онажоним келиб қолди. 10 кун яхши яшадик. Кейин тагин ўша ҳолат такрорланди...

Эрим яна маст келди. Отанникига бораим, дегандим, тиланчиликка борсанми, дея калтаклади. 24 кунлик келинчақ эдим. Агар эримни ташлаб кетсам, отам чидамайди бу қилигимга. Зулма, таёққа, ҳақоратларга жим туриб чидадим. Яшамоққа чора изладим, курашдим, еладим, югурдим! Совхозимизда 24 миллат вакиллари яшар эди. Нина Скинба деган қўшим бозғада ишларди. Болалардан ортиб қолган нон бурдаларини, сариёғ бўлақларини ва бўтқаларни бериб турди. Ниҳоят, ойлик маошимни олдим. 14 рублга 70 кило — бир қоп ун хариб қилдим. Оддий ва патир нон ёпиб, қўшилларга сота бошладим. Отам эса бир сизирни ем-хашаги билан ташлаб кетди. Энди русларга сут, қаймоқ, қатиқ ҳам сотадиган, мактабда жон-жаҳдим билан ишлайдиган бўлдим.

Қаторасига уч ўғлим туғилди. Кетма-кет декрет таътилига чиқишим мактаб раҳбарларида екмасди, албатта. Бу орада қаровсиз қолган уч қизни — Ҳидоят, Зебо, Райҳонни уйга олиб келдим. Болаларим сони олти нафарага етди. Ҳаммасини ўзим боқаман, уларга қўшиб, турмуш ўртоғимни ҳам. Тинимсиз калтак ҳам ейман. Ичиб келса, бир четга беркинаман...

«Тўйингизга айтманг мени, чопоним йўқ...»

Бу орада болаларим кўлайди. Ўзим тўрт ўғил кўрдим. Ун бир нафар ўғил-қизни асраб олдим. Қандай боқаман, демабман. Аллоҳ етказар ризқини, дебман. Савоб учун ҳам демабман. Ақлим етмабди. Менинг меҳримга муҳтож, жавоаб берган кўзларини кўриб, чидаб туролмадим.

Қўшилларим кичик бўлиб қолган кийимларини берса, кечаси билан болаларимга лойиқ қилиб қайта тикиб, безаклар билан безадим. Эрталаб янги олиб келдим, деб кийдирдим. Тўртинчи ўғлим чақалоқ эди. Менга қариндошлардан тўйхабар келибди. Вой, меням одам қаторига қўйишибди, қариндош дейишибди, деб суюндим. Янги кўйлак кийиб, тўйга боргим, ўзимга етқан лапарларни айтиб, рақсларга тушим келди. Қўзларимни юмиб, ўзимни тўқин дастурхон атрофида, қариндошлар даврасида кўрдим...

Қуриган қўксимдан сут талаб қилиб типирчилаётган чақаловим йивисидан ўзимга келиб, кўзларимни очдим. Энди яқин орада янги кўйлак киймаган, тўйиброқ овқат ҳам емаган, эркак меҳри, ёрдами нелгини билмаган, дастурхон атрофида йиғилган ун етти жон (ун беш фарзанд, бепарво эр, ўзим) ни тўйдирмаган деб жони ҳалак, безовта аёлни кўрдим. Эҳ, менга тўйини ким қўйибди, дедим. Қўлимга қаламни — илтфотимни, вақтимни қўтишдан зерикмаган, ун иккинчи талабгоримни олдим. Қалбим изтироблари менга оптоқ юзларини тутган қовоғга йиғлаб тўкилди:

Тўйингизга айтманг мени, рўмолим йўқ, Рўмолимдан бўладиган жамолим йўқ.

Тўйингизга айтманг мени, чопоним йўқ, Чопон тикиб олмоққа ҳеч имконим йўқ.

Тўйингизга айтманг мени, калишим йўқ, Калиш олиб берадиган танишим йўқ.

Тўйингизга айтманг, уна-элимиз йўқ, Хизмат қилиб берай, десам, беллигим йўқ.

Тўйингизга айтманг мени, кўйлагим йўқ, «Йўқ-йўқ»ларим ҳақда асло ўйлагим йўқ!

Мен ёшлигимда шоира бўлишни орзу қилардим. Педагогика билан юртида ўқиб юрган кезларим курсдош дугоналаримга шёрлар ёзиб берадим. Турмуш қўраганимдан кейин қаламни қўлимга фақат дардларим юрагимга, ёшларим кўзимга сиемаган дамларда оладиан бўлдим...

МЕҲРИНСО ҲАҚИДА ҲИҚОЯЛАР

ОРИЯТЛИ АЁЛ

Меҳринисо аввал отасининг орияти учун оиласини бузмага бўлса, сўнг болаларимнинг боши эгилмасин, хар хил гап-сўзлар кўпаймасин, деб чидаб яшайверди.

Аввалига эрининг пул топмаслигига кўниди. Калтаклашга, ичиб келишга чидади. Айни чоғда, унинг яхши томонларини ҳам қашф этди. Умр йўлоши асраб олинган норасидаларни ҳам ўз болаларига қўраб, ҳатто уларга тарафқашлик қиларди. Ўзининг тўрт ўғлининг уришмасди. Болалардан тозаланиб, тартибни талаб қиларди. Бир ночор ота ўғлини боқолмай, Меҳринисо уйда йўқ пайти олиб келганида, эри уни олиб қолган ва хотинига «Аҳволлар ночор экан, олиб қолавердим», деган эди.

Яна бир қаровсиз қолган момони уйига олиб келди. Момо Меҳринисони дуолаб қилиб, етти йилдан кейин бандаликни бажо келтирди. Уни ювиб-тараб, сўнгги йўлга кузатишди.

Меҳринисо асраб олинган (бундай дейишга ўзининг тили бормади) ўн бир фарзанддан бирортасини номига ўтказишни ўйлаб кўрмади. Махалладан, давлатдан ёрдам сўрамади. Тинмай меҳнат қилди. Уйда мол, қўй ва товукни кўпайтирди. Қўли ишга келиб қолган фарзандлари унга ёрдамлашди.

Меҳринисо тўрт ўғил туғдим, қизим йўқ, деб афсусланмади. Асраб олган болаларининг тўққиз нафари киз, икки нафари ўғил болалар эди. Ҳаммасини ўқитди, уйли-жойли қилди. Набираларининг суннат, бешик тўйларини қўшмаганда ҳам ўн беш марта тўй берди. Эл олдига юзи ёруғ бўлди. Эри фоний дунёни тарк этганидан буён, орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, фарзандлари уни доимо яхши хотиралар билан эслашди. Аёлининг жони қирқта бўлади, дейишади. Меҳринисонинг жони эса мингта.

БОШҚАЛАРГА

ЎХШАМАГАН МУАЛЛИМ Меҳринисо чеки йўқ меҳнатлар, йўқчиликлар қуршоғида туриб ҳам ўқиди. Отасининг давру давронидида педагогика билан юртини тугатган эди. Турмуш қўраганидан сўнг, ўзи севган тарихни ўрганди. Сиртдан ўқиб, диплом олди. Унинг чиройли, беҳато ёзувлари, минглаб ўқиган бадиий китоблари, шеър тўла дафтлари, рубоб чертишлари шогирдларини ортидан эригаштирар, устозларини қўйил қолдирарди.

Бир сафар мактабни текширишга тепадан келган услубчи Меҳринисо Умрзоқованинг тарих дарсига қиради. Муаллима Ферузшоҳ саройида бўлган хангомаларни тилга оларкан, яхши овозга эга Комил Хоразмий авжига чиқолмай айтган «Устна» ғазали ҳақида сўзлаб беради. Авж пардасини чалиб ва айтиб кўрсатади. Саройдаги мушоиралардан, Мунис ва

Огахий ғазалларидан намуналар келтиради. Ферузшоҳ яхши созанда, машоққ, қалби дарё шоир бўлганини болалар онгига сингдиради.

Бундан ажабланган услубчи сўрайди: — Сиз тарихдан дарс ўтасизми ёки ашула билан адабиётданми?

— Тарихни адабиёт ва кўйлар ёрдамида тушунтиряман, — дейди у.

Қисқаси, ўқувчилар мавзунини аъло даражада тушунарлар ҳам бўлиб, услубчи тушунишни истамайди. Ҳатто мактаб директори ҳам унга ён босади. Бундан жажли чиққан Меҳринисо мактабни тарк этади. Унга ўрганиб қолган шогирдлари ортидан йиғлаб келса, қолган ҳам қайтиб бормади.

ЕРДАГИ ФАРИШТА

Шундан сўнг у ўзи бошлаб қўйган ишларни давом эттирди. Махаллада новвойхона, сартарошхона очди. Қўшни мамлакатлардан арзон товарлар олиб келди. Хоразмдан гуруч келтириб сотди. Барча маҳсулотлари тезда қўлма-қўл бўлиб кетарди. Лекин у беш панжасини бирданга оғизга тикмас, адолат ва қаноат билан ишларди.

Бир неварасига тўй қилганда, меҳмонлар орасида қариндошлари, дўстлари, танишларидан ташқари хоразмлик гуруч етиштирувчилар, ички ишлар ва савдо ходимлари ҳам бор эди. Сўзга чиққан бир милиционер «Меҳринисо опа — ердаги фаришта, бизнинг опамиз, онамиз, устозимиз» деди. Ҳамма бир зум жимиб қолди. Меҳринисонинг кўз ўнгидан эса савдо йўлларига ҳам инсоф, адолат, мардлик борлигига гоҳ шерикларини, гоҳ божхоначиларни ёки милиция ходимларини ишонтиришга кетган вақти, сарфланган умри ўтди. Меҳнат қилса, ҳаммасига ҳалоллик билан эришиш мумкин экан. Мана, исботи: энди унинг чопони ҳам, қўйлағи рўмоли ҳам бор. Тўйлар ҳам қилляпти.

Тиниб-тинчимас фаришта қўшилларига ҳам кўзқорин экиш сирларини ўргатди, сотишга ёрдамлашди. Қўнчиликни ривожлантирди, бу борада ёрдам сўраб келганларга йўл-йўриқлар кўрсатди. Ахир етти ёт бегоналарнинг ўн бир нафар фарзандини, қаровсиз момони бағрига босган фаришта ўз ҳамқишлоқларидан кўмагини аярмиди?..

Тарихни яхши билган бу аёл юртимиз ўтмишини ҳамма ўрганишини, гўзал гўшаларни, тарихий обидаларни кўриб, завқ олишини истайди. Зарур жойларда ўзи гидлик қилади. Шеърлар ўқиб, ашулалар айтиб беради, бир-биридан қизик саволлар тайёрлайди. Жавобини топганларга муқофотлар улашади. Йўл-йўлакай оилага, тиббиётга доир маслаҳатлар беради. Мамлакатимиз туризмга ўзи иш олиб бораётган фирмасининг жўшқин фаолияти билан хисса қўшади.

Сайёҳларни юртимизнинг тарихий обидаларига бошлаб боришдан олдин керакли адабиётларни топиб ўқийди, билимини оширади, ўқитувчилик маҳоратидан фойдаланади. Мавсумига қараб, таътилда ўқувчиларни, саёҳатчиларни Хоразм, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Самарқанддаги тарихий обидалар сари етаклайди. Унинг телеграм каналида мингдан зиёд обуначилари бор. Баязилари сайларга бирга борадилар, фикрларини ўртоқлашадилар, айримлари Янги йилни ҳам бирга қўтишади. Меҳринисо ҳамиша давралар бошида бўлади.

ЮРТБОШИМНИ КўРМАСАМ, ЎЛМАЙМАН

Нуфузли анжуманда «Сўз булунғурлик тадбиркор аёл Меҳринисо Умрзоқовага!» дейишди. У дил изохорларини қуйидагича баён этди:

— Ассалому алайкум, ҳурматли Президентим! Мен тилларимни шўкронага элтмай бўлиб кетарди. Лекин у беш панжасини бирданга оғизга тикмас, адолат ва қаноат билан ишларди. Бир неварасига тўй қилганда, меҳмонлар орасида қариндошлари, дўстлари, танишларидан ташқари хоразмлик гуруч етиштирувчилар, ички ишлар ва савдо ходимлари ҳам бор эди. Сўзга чиққан бир милиционер «Меҳринисо опа — ердаги фаришта, бизнинг опамиз, онамиз, устозимиз» деди. Ҳамма бир зум жимиб қолди. Меҳринисонинг кўз ўнгидан эса савдо йўлларига ҳам инсоф, адолат, мардлик борлигига гоҳ шерикларини, гоҳ божхоначиларни ёки милиция ходимларини ишонтиришга кетган вақти, сарфланган умри ўтди. Меҳнат қилса, ҳаммасига ҳалоллик билан эришиш мумкин экан. Мана, исботи: энди унинг чопони ҳам, қўйлағи рўмоли ҳам бор. Тўйлар ҳам қилляпти.

Тарвоқе, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси Меҳринисо Умрзоқованинг ҳали қиладиган ишлари ҳам, эзгу режалари ҳам кўп. Ўзи айтганидек:

Шундай яшайинки, маёқдай порлаб, Ўзидан ўзимни излаб қолсинлар. Мендан олганларини кўксига оёқлаб, Ортимдан оҳ тортиб, бўзлаб қолсинлар.

Хосият БОБОМУРОВА, шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Самарқанд халқаро технологиялар университети профессори



Анжумандан кейинги мулоҳазалар

«ЯШАСИН ДУНЁДАГИ ЭНГ ОДИЛ СУД»

ёхуд тергов органларининг қимматга тушаётган хатолари

Яқинда Олий суднинг матбуот анжумани ташкил этилди. Очиги, ушбу тadbир анчадан буён кутилган эди. Ҳар ҳолда, сўнгги вақтларда суд залларида топалаётган адолат учун кимдир жавоб бериши керак эди. Ва ниҳоят, Олий суд бунга журъат қилди. Тadbирга борар эканман, хаёлимда кўп саволлар айланди. Шу масалалар юзасидан мутасаддиларга юзланишга чоғлангандим. Аммо...

Тўғри, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 5 та қонун, 2 та фармон ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, Олий суд пленумида қонунчиликни қўллаш борасидаги долзарб масалалар бўйича 18 та, Олий суд Раёсатида одил судлов сифатини ошириш ва ишларни ташкиллаштириш билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан 60 та қарор қабул қилинди.

2017-2023 йилларда жами 5956 НАФАР ШАХС ОҚЛАНДИ. БИРГИНА 2023 йилнинг ўзидА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН НОХАҚ АЙБЛАНГАН 1244 НАФАР ФУҚАРОНИНГ АЙБСИЗЛИГИ ИСОТЛАНДИ.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек, гўёки ҳақиқат қарор топгандек... Аммо бу шунча айбсиз инсон жиноий жавобгарликка тортилди, шунча шахсга нисбатан тергов нотўғри ташкил қилинди деганидир. Буларнинг ортида турган оила аъзолари, яқинларини қўшиб ҳисоблаганда, анча-мунча одамнинг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларга, судларга бўлган ишончи сўнди дегани. Қонун талаблари қўпол бузиб олиб борилган тергов жараёнларида юзлаб, балки минглаб инсонларнинг руҳий азобда куйиб-ёнгани исботи бу. Адолатсизлик, ноҳақлик нима эканини шу иш бошига тушган, айбсиз айбдорга айланган одамлар жуда яхши хис қилишади. Бу рақамлар орасида оғзаки буйруқбозлик, шахсий адолат туфайли жавобгарликка тортилганлар ҳам кўп бўлса, ажаб эмас.

УМУМАН, СУДЛАР ЮЗ ФОИЗ ШАФФОФ ВА ҚОНУНИЙ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ БОСИМ ВА АРАЛАШУВЛАРСИЗ ЎТЯПТИ, ДЕБ ТўЛА ИШОНЧ БИЛАН АЙТОЛМАЙМИЗ. ОЛИЙ СУД БЕРГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БўЙИЧА СУДЛАРДА ЖАМИ 882 965 ТА, ШУНДАН 73 798 НАФАР ШАХСГА НИСБАТАН 58 419 ТА ЖИНОЯТ ИШИ, 721 662 ШАХСГА НИСБАТАН 600 966 ТА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК Тўғрисидаги иш кўрилган.

Мазкур рақамлардан кўришиб турибдики, бугунги кунда судларда оқловлар жуда кам, яъни тергов органлари томонидан илгари сурилган айбловларнинг бор-йўғи 1-2 фоизгина оқланяпти, ҳолос. Ваҳоланки, тергов органлари, судьялар ҳар доим ҳам ҳақ бўлавермайди. Буни кунда-кунора қонун ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адолат қўрғони посбонлари, айниқса, прокуратура ходимларининг унча-бунча одамнинг тушига ҳам кирмайдиган пора билан қўлга тушаётгани яққол исботлаб турибди.

МАНА ЯНА БИР ҲАҚИҚАТ: ОЛИЙ СУД РАИСИ ўРИНБОСАР ИКРОМ МУСЛИМОВНИНГ ҚАЙД ЭТИШИЧА, ТАСДИГИНИ ТОПМАГАН АЙБЛОВЛАРНИНГ 58 ФОИЗИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ, 34 ФОИЗИ ИЧКИ ИШЛАР, 13 ФОИЗИ ДХХ ТОМОНИДАН ТЕРГОВ ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИГА Тўғри келмоқда.

Бугунги тергов органларининг аҳволини шу статистиканинг ўзи ҳам кўр-

сатиб турибди, Афсуски, ҳали ҳам кимнингдир буйруғи билан «дело тузиш», айбсиз одамга провакацион усуллар билан жиноят ёпиштириш бор ва буни Олий суд ҳам ё билиб, ё билмай, тан оляпти.

Назаримизда, бундан буёғига фақат ҳисобот ва кимларнингдир обрўсини янада мустаҳкамлаш учун қасддан уюштирилаётган тadbирларга барҳам бериш лозим. Сунъий равишда жиноятчиликнинг сонини кўпайтиришга чек қўйиш керак. Ваҳоланки, бу бўйича ҳаракатлар анча аввал бошланган эди.

ХУСУСАН, ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИНИНГ 2018 йил 24 АВГУСТДАГИ «ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ Тўғрисида»ги 24-сонли қарорининг 9-БАНДИ «М» КИЧИК БАНДИДА «ДАЛИЛ «ТЕЗҚОР-КИДИРУВ ФАОЛИЯТИ Тўғрисида»ги ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ТАЛАБЛАР БУЗИЛГАН ҲОЛДА ТўПЛАНГАН БўЛСА, МАҚБУЛ ЭМАС», ДЕБ ТОПИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ амалиётини тубдан ўзгартиришга, яна ҳам аниқроқ

Р.С: Хабар берилишича, март ойида Олий суд Пленумининг навбатдаги қарори қабул қилинади. Уша жараёнда биз юқорида тилга олган ҳолатлар ҳам инобатга олинади, деган умидимиз бор.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

айтганда, «провокация» (шахсни салбий оқибатларга (масалан, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир қилинишига) олиб келадиган ҳаракатларни содир этишга далолат қилиш, ундаш тушунилади) деб номланувчи тубан амалиётни буткул тутатиш мақсадида 2020 йил 10 августда Президентимизнинг «Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

МИСОЛ УЧУН, БИР АМАЛДОРГА БОРИБ, «ШУ ИШНИ ҚИЛИБ БЕРИНГ, ФАЛОН СўМ БЕРАМАН» ДЕБ, ПОРА ОЛИШГА УНДАБ, ОЛМАГУНЧА ХОЛ-ЖОНИГА ҚўЙМАЙ, ТИХИРЛИК ҚИЛИБ ВА БОШҚА ЙўЛЛАР БИЛАН ҚИЗИҚТИРИБ, ПУЛНИ ОЛИШГА УНДАСА ВА У АМАЛДОР ПУЛНИ ОЛАЁТГАНДА ТАДБИР ҚИЛИНИБ УШЛАНСА, БУ ЖИНОЯТ УЧУН ЮКОРИДАГИ ҚОНУН ВА НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАР БўЙИЧА АМАЛДОРНИ АЙБЛАШ МУМКИН ЭМАС. БИРОҚ БУ ҚОҒОЗДА, ҲОЛОС, АМАЛДА ЭСА ҲОЗИРГИ ТADBИРЛАРИНИНГ ЖУДА КўП ҚИСМИ АЙНАН УНДАШ ОРКАДИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АЙРИМ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БИЛАН ЯқИНДАН ТАНИШИБ ЧИКИНГ, БУНГА АМИН БўЛАСИЗ.

168-модда билан гумонланган шахсга 211-моддани тиркаб қўйиш, эҳтиёт чораси сифатида гумонланувчини прокурор протести билан қамоққа олиш кабилар ҳам жуда баҳсли масала. Бу бўйича ҳам тегишли норматив ҳужжатлар қабул қилинган, аммо улар ҳам ҳозирча амалиётда деярли ишламаяпти.

Бир сўз билан айтганда, ҳали суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талайгина. Токи одил судлов тўлиқ таъминланиб, адолат қарор топмас экан, юқоридаги статистик рақамлар кўлами ва зарари ортиб бораверади. Инчунин, «судларимиз мустақил, улар фақат қонунга бўйсунди», деган баландарвоз гапга ҳеч ким ишонмай қўйганига анча бўлди.

Хуллас, матбуот анжуманида кўнглимга туккан саволларнинг биронтасини ҳам тилимга чиқармадим. Фурсат бўлмади, бошқаларнинг вақтини олишдан андиша қилдим. Шундоқ ҳам, бир соатга мўлжалланган машварат икки соатдан ортиқ давом этди.

Тadbирдан қайтар эканман, дилимни яна оғрикли саволлар чулғади. Уларнинг айримларини қоғозга туширдим. Балки натижаси бўлар...



АСОСАНГА... АСОСАН... КЕЛИШИЛГАН...

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 9 январдаги сонидА «Бизнеснинг навбатдаги қурбони» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар ҳуқуқига ҳавола этилган эди.

Мақолага Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси куйидаги мазмунда муносабат билдирди:

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси Юнусобод тумани қурилиш бўлими томонидан 2021 йил 2 июлдаги мавжуд биносини меҳмонхона ва офис биносига иштирослаштириб, реконструкция қилиш учун 1726266-3620-сонли рўхсатнома берилган.

Мазкур рўхсатномага мувофиқ, Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси томонидан 2022 йил 27 октябрдаги 1726-1726266-53191-сонли архитектура режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилиб, «BIG STAR PROJECT» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари мутасадди ташкилотлар, жумладан, Юнусобод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ҳудудий ёнгинга қарши назорат бўлими, ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати ижобий хулосаларига асосан Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиши бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи оранинине 2023 йил 11 июлдаги 75667-сонли хулосасига асосан меҳмонхона ва офис биноси лойиҳа-смета ҳужжатларини давом эттириш учун келишиб берилганлигини маълум қиламиз.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бошлғи ўринбосари Шаҳар бош архитектори М.ОМАРОВ

Р.С: Хайрон қоласан киши, мутасаддилар тахририятга расмий муносабат йўллар экан, ўзлари ҳам устидан бир кўз югуртириб кўрармикан. Уларнинг мазкур муносабатини олдий ўқувчи у ёқда турсин, ҳатто мутахассислар ҳам яхши тушунмаса керак...

АЙБДОР МУНОСИБ ЖАЗОСИНИ ОЛГАН

Мазкур мақолага Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгартириш вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармасидан куйидагича жавоб келди:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темури шох кўчаси ва Шаҳристон кўчалари кесилишида жойлашган «Ung Petro» АYOQSH собиқ UZGAZOIL ҳудудидА дароҳтларнинг ноқонуний кесилгани ҳақидаги маълумот ўраниб чиқилган. Ҳолат юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгартириш вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод тумани инспекцияси инспекторлари томонидан 2023 йил 22 декабрда далолатнома расмийлаштирилиб, ҳуқуқбузарлардан тушунириш хатлари олинган.

Урганиш натижасида юқорида кўрсатилган «Ung Petro» АYOQSH ҳудуди ён тарафи ўраб олинган бўлиб, бу ҳудудда жами 6 туп дароҳт мавжуд бўлиб, қурилиш ишларида ҳалакат қилганлиги сабабли Э.Ш. томонидан 3 туп, диаметри ноаниқ бўлган мевали дароҳтлар ўқ қилинганлиги ва 2 туп «оддий қаравай» ва 1 туп «кўк арча» дароҳтлари қурилиш объекти ёнига қўчириб ўтқазилгани аниқланди.

Юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар натижасида «Усумлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддаси талаби қўпол равишда бузилган. Тўпланган ҳужжатларга асосан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 79-моддаси билан фуқаро Э.Ш. жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Мақамасининг 2022 йил 22 августдаги 464-сонли қарори талабига биноан 7 140 000 сўм қўрдорида табиатга етказилган зарар ҳисобланган.

Шу билан бирга, айбдор шахсга Вазирлар Мақамасининг 2022 йил 22 августдаги «Давлат ўрмон фондида кирмайдиёган дароҳтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 464-сонли қарори ноқонуний кесилган дароҳт ва бута учун эса уч йил давомда парваришlash шарти билан 300 туп кўчат экиш мажбурияти юкланган.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгартириш вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлғи в.в.б. А.РАСУЛОВ



ОҚИМ ҚАЁҚҚА КЕТЯПТИ, БИЛАСИЗМИ?

Охири вақтларда билиб-билмай, тақиқланган диний оқимларга қўшилиб қолаётганлар ҳақида тез-тез эшитиб қоляпмиз. Наманганлик И.Х. ҳам ана шундай тоифага мансуб шахслардан бири.

Гап шундаки, у Россияда ишлаб юрган кезлари тақиқланган гуруҳларга кириб, матрузалар тинглашни одат қилган. Бу ҳам етмагандек, ўзига тегишли бўлган «Huawei P40 lite» русумли телефон апаратидан «Instagram» ижтимоий тармоғи орқали «sabg 6606» профилидан «Жиходчи» диний-экстремистик оқим етакчилари «Рашод кори» ва «Абдували кори», шунингдек, «Хизбут-Тахрир» диний-экстремистик ташкилотининг ғоявий раҳномаси М.Холдаров (Маҳмуд Абдулмуъин) га тегишли канал ва гуруҳларга аъзо бўлиб, улар эълон қилган материал-

ларни «публикация» бўлимига жойлаштириб, кенг қамровли даъват ишларини олиб борган. Яқинда ИИБ Транспорт ва ТОХТД ТКБ ТҚКБ ва Наманган вилояти Транспортда ХТБ ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда тезкор тadbир ўтказилди ва И.Х. мамлакатимизга кириб келган чоғида қўлга олинди. Айна вақтда унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бобур РАЖАБОВ,
ИИБ Т ва ТОХТД ТКБ
ТККБнинг катта тезкор
вакили, капитан

ХАВФ 2,5 БАРАВАР ОРТГАН Электрон сигареталар ҳақида мулоҳазалар

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кейинги йилларда ёшлар ўртасида тамаки маҳсулотлари, хусусан, электрон сигареталар чекиш тобора оммавийлашаётганидан хавотирга тушмоқда. Бу бежиз эмас. Таҳлилларга қараганда, уларнинг ҳар 10 нафардан 9 нафари 18 ёшга тўлмаётган туриб, баъзилари ҳатто 11 ёшидан чека бошлади. Вояга етмаганлар тақдирига боғлиқ бу иллат кўпинча мактаб муҳитида авж олади.

– Электрон сигареталар ва чилимлар таркибида никотин миқдори 66 мг/мл.гача ва ундан кўп ҳам бўлиши мумкин, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тамакига қарши курашиш бўйича бош консультанти Шухрат Шукуров. – Бу уларда никотин олдий сигареталарникидан салкам икки баравар ортиқлигини англатади. Кашанда организмга салбий таъсир қиладиган никотин миқдори, унинг концентрациясидан ташқари, бир неча омилларга ҳам боғлиқ. Электрон сигарета ёки чилим чекиладиган мослама ишлаб чиқарадиган электр қуввати, тортишиш кучи, чекувчи томонидан суюқликни турли қўшимчалар билан бойитиш никотин миқдорини янада ошириши мумкин.

Никотин – одамнинг юрагига ҳамда марказий асаб тизимига тез жисмоний-руҳий таъсир қиладиган захри қотил ва сигарета таркибидаги асосий наркотик модда бўлиб, замонавий сигареталарнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли қарамликни ортттиради. Бу – гиёҳвандлик моддалари келтириб чиқарадиган хавфдан ҳам юқоридир.

Чекиш нафақат инсоннинг ўзини, балки ён-атрофидаги ўсмирлар ва болалар ҳаётини ҳам захарламоқда. Оқибатда ҳар йили 1,3 миллионга яқин кишининг умрига зомин бўляпти. Хусусан, дунёдаги болаларнинг ярми тамаки тутуни билан захарланган ҳаводан нафас оляпти. Мутахассислар XXI асрнинг биринчи ярмида чекиш туфайли яна 450 миллион одам ҳаёт билан видолашиши эҳтимоли борлигини башорат қилишган.

Бизнинг юртимизда ҳам бундай иллатларга қарши кескин чоралар кўриляпти. Чунончи, 2018 йил 4 октябрдан эътиборан «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Унга кўра, бу маҳсулотларни чекиш, истеъмол қилишни тарғиб этиш, рағбатлантириш, шахсда уларнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ва бадий образлари очик ёки яширин шаклда тарқатиш тақиқланади.

Сўзимиз ниҳоясида яна бир бор эслатамиз: олдий ёки электрон сигареталар ва чилимларни истеъмол қилиш саратон, юрак хуружи, инсульт ва сурункали обструктив ўпка касалликларини келтириб чиқаради.

Мадина ПўЛАТ қизи
«ISHONCH»

ДАРДЛАРГА ДАВО МАШҒУЛОТЛАР

Доимо ўтирган ҳолда ишлаш пассив турмуш тарзи ҳисобланади ҳамда организмда кўплаб бузилишлар рўй беришига ва жиддий касалликлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Масалан, ҳозир компьютерда ишлайдиган ходим ўз вақтининг 80 фоизини ўта кам жисмоний фаолликда ўтказиши мумкин. Бу метабolik жараёнлар издан чиқишига, қонда шаккар миқдори ошишига, гипертензия ва холестерин кўпайишига олиб келади. Шу тариқа юрак-қон томир хасталиклари ривожланиши хавфи туғилади, асаб тизими бузилиши ва депрессияга олиб келиш эҳтимоли ортади.



Юрак мушаклари ёмонлашиши оқибатида томирлар эластиклиги камаюди. Қоринчалар ва атриумлар деворлари самарасиз қисқара бошлайди. Ўтириб ишлаганда орқа мияга тушадиган юклама тик туриб ёки ҳаракат қилиб ишлаганга нисбатан икки баравар кўпайиши туфайли мияда қон айланиши ёмонлашади. Натижада инсоннинг ишида унумдорлик йўқолади, тез чарчаш, қўлоқлар шангиллаши, кўпинча бош айланиши кузатилади.

Бундан ташқари, мушакларга пугур етиши доимий чарчоқ пайдо бўлишига, апатия, энергия йўқолишига, метаболизмдаги ўзгаришлар, танада қон секин ҳаракатланиши эса ҳужайралар озуқа ва кислотдор билан тўлиқ озиқланмаслигига олиб келади. Тос бўлишида лимфа ва қоннинг ўзгариши гормонал тизимга ва ичкалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ноҳушликларга дуч келмаслик учун сизга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

- агар ўтирган ҳолда ишласангиз, албатта, соатига камида бир марта ўрнигингиздан туриб, бир неча дақиқа ҳаракатланинг, идеал ҳолатда, ҳар эрим соатда бир марта қисқа муддатли машғулотлар билан шуғуллангиз;
- умуртқа поғонаси эгри бўлмаслиги, орқа ва бўйин оғриғига йўл қўймайлик учун ишлаётганингизда холатингизга эътибор беринг. Орқанинг текис, елкангиз бўшаган ва бироз пастга эгилган, бошингиз тўғри турганига ва компьютер экранни кўзга мойил даражада эканлигига ишонч ҳосил қилинг;
- агар ишдан бир лаҳза ҳам чалғишингиз мумкин бўлса, студдан турмай елкангизни, қўлларингизни, бўйингиз ва танангизни ҳаракатлантингиз;
- кўришда муаммолар бўлмаслиги учун кўз машқларидан мунтазам фойдаланинг;
- қисқа вақтлик жисмоний машқларни ҳамкасблар билан бирга бажаринг. Бу кун давомида фаол бўлишга қўшимча мотивация беради;
- жисмоний фаолликни ошириш, ишдан кейин спорт залига, сузиш ҳавзасига бориш ва рақс машғулотлари билан шуғулланиш ҳам ижобий натижа беради;
- транспорт воситаларидан фойдаланишни иложи борича камайтириб, кўпрок пиеда юринг. Айниқса, ишдан кейин пиеда юриш дам олишга, фикр тинчлашишга ва стрессдан холи бўлишга ёрдам беради;
- Зеро, касалликнинг олдини олиш ҳар доим энг яхши омидир. Бунинг учун эса, аввало, ҳаракатсиз ёки кам ҳаракатли турмуш тарзидан воз кечинг, мунтазам равишда жисмоний машқларни бажаришга одатлангиз.

Раъно МАҲКАМОВА
тайёрлади



Кўнгли битиклари

Кўкка учсин сен айтган БАЁТ

Иқтидорли ижодкор Муҳаммад Исмоилнинг китобларини ўқиётганда инсонда кўтаринки кайфият пайдо бўлади. Қадим Мирзаҷўл даштларининг бепоён кенгликларидан сайр этиб, Ховоснинг атлас қиру ўрларида яйраб, Сирдарёнинг жимжимадор, суронли тўлқинларидан сузгандай завққа тўлади одам. Айниқса, муҳаббат ҳақидаги шеърлари айрича оҳангу, айрича ранглари билан мудроқ эсдаликларни қўзғаб юборади.

Қаранг, севги, унинг ширин азобларига қаранг:

*Гоҳ шодман, гоҳида кўзга келар ёш,
Гоҳ ойда бўлсам ҳам Сизни қўрарман.
Келсам, васлингизга беролмайман дош,
Кетсам ҳажрингизда утман, ўртанган.*

«Гоҳ шодман» шеърининг

Ёки:

*Мени кучлироқ сев, кечагидан ҳам,
Керагидан ортиқ, кечагидан қўп.
Кеча қолмас эди юрагимда вам,
Кеча севар эдинг керагидан қўп.*

«Мени кучлироқ сев...» шеърининг

Қаранг, нолалар қандай тоза, қандай ифорли! Завқ билан, ёйилиб, роҳат билан ўқийсан. Унинг мисраларида қаттиқ ранж ҳам, беомон гусса ҳам, дилни пора-пора қилувчи қайғу ҳам бор. Лекин, гоҳ кўпириб, гоҳ ёйилиб оқувчи дарё сингари бирда асов, бирда сокин бу оқим тубида олам-олам хазина борлиги сизга таскин беради, шоир билан бирга қувонасиз, қайғуга ботасиз.

Шоир шеърларидан бирида севгилисига қараб:

*Сизни севганларга айламанг шафқат,
Нафрат ва газаб-ла ўтда ёндириг.
Фақат, менда сизга лойиқ муҳаббат,
Ёнингизда фақат мени қолдириг...*

- дейишида ҳам;

«Ён дафтар»даги ёзувларидан бирида: «Муҳаббат одамнинг ор-номуси, шаъни, шарафи жамланган тожга ўхшайди. Шундай одамни севгинки, у сенинг қалбингнинг олий тимсоли бўлган тожни кийганда, одамлар маликага қараб, қалбинини нақадар улугулини кўрсинлар» дейишида ҳам олижаноб туйғу - соф муҳаббатни ардоқлаш туйғуси мужассам.

Шул боис шоирнинг ясамалиқдан олис, жозибали, бурро, таги-тамалида фикрлар гўж-гўж сатрлари ошिकона хайкирик бўлиб қалбингизга сингади. Ҳаётдаги оддий бир воқеа, арзимасдек туюлган бир манзара, кўзга кўринмас руҳий бир ҳолат таъсирида пайдо бўлган шеър шоир қалами қудрати билан улкан ходисага, бакувват мазмунга, муҳаббатнинг янгрқ садосига айланиб кетади. Фикрлашга ундайди. Фикр қилишга чорлаш эса энг катта мўъжизадир.

Бугунги ўқувчининг диди ниҳоятда баланд, қофияни қофияга уриштиришдан пайдо бўладиган омади, ғадир, ғўр, ялтирок чизгилар билан қойил қилиб бўлмайдиган уларни. Улар, ҳақиқий шеър - замон хайкириги, жон озиғи, тимсоллар силсиласи эканини яхши биладилар. Худди шу жўн ҳақиқатни англамаган, менсимаган ёки нусхакашликка ўтиб олган қаламкашнинг ахволи вой. Инсон тақдири билан боғлиқ шу каби мураккаб жараёнга шоир тубандагича таъбир беради:

*Кетмоқдан аста-аста ташлаб қадам,
Барибор бор, йўл сўнгида етмоқ, етмоқ...
Бу дунёнинг бор азови - қичкина гам,
Дунёда энг катта азов - кетмоқ, кетмоқ...*

Мен Муҳаммад Исмоилни узоқ йиллардан буён қузайтиб, ёзганларини ўқиб келаман. У менга туғишган индик яқин, қадрдон. У билан Ёзувчилар уюшмасида, Ўзбек

кистон Миллий телерадиокомпаниясида анча вақт ёнма-ён ишладик. У ўзига хос мураккаб ва завқли ҳаёт йўлидан ўтди. Турли идораларда ишлаб, ҳаётни ҳар тарафлама чуқур ўрганди. «Оила ва жамият» газетасида бош муҳаррир, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалнинг «Мунаввар тонг» студияси бош муҳаррири, Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уюйда бош муҳаррир каби рутбаларда бўлди, масъулиятли лавозимларда хизмат қилди, зиммасидаги вазифани доимо сидқидилдан бажарди. Жамоада, эл-юрт ичида яхши инсон, ақли раҳбар сифатида ҳурмат-эътибор қозонди. Айни пайтда, бир кун бўлса ҳамки асосий мақсад - ижод қилишни унутган эмас. Сермаҳсул ижод қилди. Ўтган йиллар давомида унинг ўнга яқин китоби нашр этилди, қисса ва ҳикоялари асосида бир неча бадиий фильм яратилди. Шеърлари, ҳикоялари, қиссалари тилга тушди, адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

У тез ёзади, мазмунли ёзади, ёзганлари ҳаялламай ёруғлик қуради, тез ўқилади. У билиб ёзади, билганларини ёзади, мавзулари муаллақ эмас. «Ён дафтар»даги шингил фикрларида ҳам, шеър ва ҳикоялари, йирик қиссаларида ҳам лирик манзаралар ярқираб, чарақлаб туради. Қуруқ сўзлардан қочади, бадиҳағўйлик қилмайди, баландпарвозликдан тийилади, китобларида ширали халқ тили, салмоқли фикрлар жаранглаб туради.

*Баъзи дўстларим бордир,
дўстдир душманим билан
Душманга дўст бўлган дўст,
на дўст ва ё на душман.
Учайлик десанг, дейди,
туяман ерда юрган,
Юкми кўтар десанг,
дарров айтар: - Мен қушман!*

Муҳаммад Исмоил дунё кезди, дунё кўрди, халқроқ адабий анжуманларда иштирок этди. Бир шеърда:

*Тобора даврамиз бўлаётир кенг,
Энди инсоният нотийаидирман.
Чунки мен дунёда тенгаир ичра тенг -
Мустақил диёрнинг шоиридирман.*

- дея таъкидлаганидек, она Ватанимиз шаънини улуғлашга астойдил бел боғлаган бир шоирга айланади.

Мухтасар бу мақолада мен Муҳаммад Исмоилнинг ҳикоя ва қиссалари, турли мавзулардаги бадиалари ҳақида тўхталмадим. Ваҳоланки, унинг насрий асарлари аллақачонлар ўқувчилар юрагидан чуқур жой олиб бўлган. Халқимизнинг ардоқли адаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов бундан бир неча йил аввал, аниқроғи, 2005 йилда ёш адибнинг янги китобига ёзган сўзбоши-сида: «Сизни севмай бўладими...» китобини унинг ижодидаги ҳамда ўзбек адабиётидаги янги бир қадам дейишга ҳақлиман» дея китобга юксак баҳо берган ва, айни чоғда, тўғилмадан жой олган севги-муҳаббат ҳақидаги барча ҳикоя ва қиссаларни янада ўқишли, янада ҳаётийлигини таъминлаш борасида ҳам аниқ хулоса ва истакларини баён қилган ва яна мана бундай сўзларини ёзган эди: «Аёвалом, муаллиф севги ҳақида ёзганда ўз бошидан кечирган воқеалар, ўз қалбидан ўт-

ган туйғуларга суянган. Бу яхши, албатта. Лекин... агар биз севгидай нозик ҳисларни ифода этишга жазм қилган қаламни гўзал кўйни чертган танбурга ўхшатсак, бу танбурдан жаранлаган кўйнинг айрим жойларида жиндек сохталик борлигини сезиб қоламиз. Бинобарин, ёзувчи бошидан кечирган севги ҳангомаларини қуйлаганда, қаламини яна бир бор чархлаб олишини, бу борда у фақат самимиятга суянишини истар эдик».

Улуғ адибнинг донишмандона ўғитлари Муҳаммад Исмоил учун бетимсол сабоқ бўлган унинг кейинги асарларида аён кўринади. «Чиройлисан тенги йўқ» (2007 йил), «Кўксимни куйдирган аланга» (2008 йил) каби китобларидан жой олган «Сен - қалбимнинг ардоғидасан», «Бошимдаги тожим - онам», «Муҳаббат дарси», «Оппоқ гулдай ойдин хотира», «Балоғат бекати» сингари қисса ва бадиаларни ҳеч иккиланмай, ҳаётни бўяб-бежамасдан, тиниқ бўёқларда ҳалол тасвирлаш намунасига айланган асарлар дейиш мумкин.

Ушбу китобдаги «Қоракурт», «Актриса», «Диёнат дарёси», «Эътироф», «Шеърят шаҳзодаси» каби ҳикоя ва бадиаларда ҳам инсон қалиби, унинг бутун мураккабликларни зўр маҳорат билан бадиий таҳлил-тадқиқ қилинади ва ана шу фазилати билан диққатни тортади.

«Шоирни тушуниш учун унинг юртини зиёрат қилиш зарур», деган эди Гёте. Зеро, ҳар бир ёзувчи ижодининг пойдевори туғилиб ўсган жойида бўлади. Мен бу укам дунёга келган шаҳарча - Ховосда кўп марта бўлдим, меҳрибон онаси, ака-укалари гурунгларида иштирок этдим. Англаганларим шу бўлганки, Муҳаммад Исмоилдаги беғуборлик, нозик ҳиссиёт, тиришқоқлик, одамгарчилик ва бошқа бир талай хавасли фазилатларнинг илдири уша ерда - Ховос кўрғонининг кўчаларида, одамларида, шоир ўсган хонадонда. Катта ижодга илк турткини шу ерда қалбга юктирган бўлажак адиб тинмай ўкиб (мен уни қадим замон файласуфлари - Плутарх, Румий, Ғаззолий асарларини мутлоаа қилаётганини, Алишер Навоий, Аҳмад Ясавий шеърларини ёдлаб ўтирганларини кўп кўрганман), ўрганиб, бетиним изланиб, ўз оғаларининг энг яхши аъналарини эгаллашга интилиб, имилмасдан, шиддат билан асарлар ёзиб, тиришқоқлиги соясида асардан-асарга поғона-поғона юксалиб, мақсадига эришиб бораётди.

Мен Муҳаммад Исмоилнинг ютуғини ошириб, камини яширганим йўқ. Билганимни, тушунганимни айтдим. Қолаверса, бўш асарга «пахта» қўйиш, пуфлаш ҳам нақ кўзбўямачилик билан баробар. Ундан ташқари, ёлғон мактов - фирибгарлик билан талабчан ўқувчини чалғитиб бўлмайди. Чунки ижодкорнинг китоблари ўқирманлар қўлида, уларнинг нигоҳидан қочиб ҳеч қаёққа боролмайди!

*Оллоҳ менга шундай умр бер,
Тинмай кўкка кўтарсин ҳаёт.
Кучоғига олганда ҳам Ер,
Кўкда қолсин, мен айтган баёт!*

Мен ҳам ана шу тилакка тилақдошман: Кўкка учсин, сен айтган баёт, дейман.

Абдусайд КЎЧИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Эълон
Янгийўл туманидаги «YERGASHOV NIZAMITDIN» фермер ҳўжалигининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раисининг маслаҳатчиси Равшан Жабборовга рафикава
Тоғжигул ХАЙИТОВА
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашининг Меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудури Шоҳида Бегимқуловага турмуш ўртоғи
Содиқжон АЛЕРОВ
вафот этгани муносабати билан таъзия изхор этади.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши фахрийси
Шовқидан АБЛАҚУЛОВ
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва касаба уюшма кўмитаси таълим муассасасида узоқ йиллар касаба уюшмаси кўмитаси раиси лавозимда ишлаган меҳнат фахрийси
Фариджон МУСАЕВ
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Учрашув

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети талабалари билан учрашув ўтказилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили муносабати билан уюштирилган ушбу йиғилишда университет ректори, профессори Х.Юнусов ва Республика кенгаши раиси Р.Холматов иштирок этди. Мулоқот асоси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларга тая-

нишимиз бугунги кун талаби экани таъкидланди. Давра суҳбати давомида касаба уюшмаларининг мақсад-вазифалари бора-сида сўз юритилиб, талабалар билан савол-жавобларга кенг ўрин берилди.

Нилуфар ХАСАНОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ISSN 2526-4934

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуат ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўyxатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIMOV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43 Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23 Bukuro viloyati - (+998-99) 080-93-38 Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati - (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtali nazariidan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirilish vaqti - 22:30
Topshirildi - 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Bukuro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 046 ta Shundan:
7521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 061 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8464 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma 112

1 2 3 4 5 6